

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

Зулфия Дехкамбаева

**ИНТИЗОМСИЗ ЎСМИРЛАР
ДИАГНОСТИКАСИ**

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент-2015

УЎК: 371.040
КБК: 74.200.54
Д 220

3.Дехкамбаева Интизомсиз ўсмирлар диагностикаси. Услубий қўлланма. – Т.:ЎзПФТИ, 2015. – 84 б.

Ф1-ХТ-0-20452-ракамли “Дарс интизомига салбий муносабатдаги болаларга нисбатан конструктив таъсир этишнинг назарий ва методологик асослари” мавзусидаги фундаментал тадқиқот доирасида бажарилган ушбу услубий қўлланмада мактаб ўқувчиларида интизомсизликни келтириб чиқарувчи асосий омиллар, сабаблар ва уларни ташхислаш усуллари ҳақида фикр юритилган.

Мазкур услубий қўлланма умумтаълим муассасалари психолог ва педагоглари, педагогика йўналишида таҳсил олаётган талабалар ва магистрантлар, педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ходимлари услубий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Такризчилар:

- | | | |
|----------------|---|---|
| Т.Нормибетов | - | Тошкент Ислон университети
“Психология ва фалсафий
фанлар” кафедраси мудир,
психология фанлари номзоди |
| А.П.Сулаймонов | - | Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИ,
бўлим мудир, педагогика фанлари
номзоди, катта илмий ходим |
| Г.Ядгарова | - | Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИ
катта илмий ходими, психология фанлари
номзоди |

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Илмий кенгашининг 2015 йил 10 октябрдаги 8-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Давлат ва жамиятни демократлаштириш жараёнлари социумда шахсни ижтимойлаштириш ҳамда тарбиявий институтлар фаолиятини такомиллаштиришни талаб этади. Глобаллашув шароитида мазкур жараёнда ўқувчи шахсига таъсир этаётган омилларни ҳисобга олган ҳолда, таълим сиёсати, замонавий ижтимоий-педагогик талаб ва эҳтиёжлар асосида, биринчи навбатда, жамиятда амал қилинаётган муайян меъёрий талаблар амалга оширилиши зарур. Маълумки, жамият тараққиёти ижтимоий-меъёрий талаблар ва жамоатчилик назорати воситасида таъминланади. Бу ҳолат жамиятда кузатилаётган ижтимоий-маданий ва интегратив жараёнларни таҳлил этишдек муҳим масалаларни ҳал этиш имкониятларини аниқлаш учун қулай шароит яратади.

Бугунги кунга келиб демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш тамойиллари инсон эркинлигини долзарб масала сифатида кун тартибига қўйган ҳолда, уни олий қадрият даражасига кўтарди. Инсонпарварликка асосланган замонавий педагогика негизида шахсни ривожлантириш, уни таълим-тарбия жараёнининг субъекти сифатида такомиллаштиришга қаратилган таянч ғоя ётади.

Таъкидлаш жоизки, инсоннинг ўз хатти-ҳаракати, хулқ-атворини танлаш эркинлиги унинг ижтимоий масъулиятдан озод қилинишини англатмайди. Демак, инсонда эркинликни англаган ҳаётий зарурат сифатида тушуниш қанчалик юқори бўлса, унинг маънавий олами, ҳуқуқ ва бурчни англай билиши, эркинлик ва зарурат тушунчаси уйғунлигини эътироф этиши, унинг тафаккури, хулқ-атвори ва иродавий сифатлари шунчалик мустаҳкам бўлади. Натижада, шахсда шаклланаётган бу сифатлар муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Ўзида ахлоқий эркинлик ва шахсий ижтимоий масъулиятни уйғунлаштирган интизом инсоннинг олий қадрият сифатида маънавий-ахлоқий камолот сари интилишини акс эттиради. Интизомлилик эвазига ўқувчиларнинг шахсий хусусиятлари ижобий

аҳамият касб этади, интизом зарурий шахсий кадрият сифатида шахснинг табиий эркинлигини англатади.

Эркин фикрлай биладиган, ҳаётий нуктаи назари ва қатъий эътиқодга эга бўлган, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллай оладиган, мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнларида ҳал қилувчи куч ва таянч бўлишга қодир баркамол авлодни шакллантиришда тартиб-интизом муҳим аҳамиятга молик масала ҳисобланади. Зеро, бошланғич таълимдан то юқори синфларга қадар фаолият юритадиган барча ўқитувчилар, ёши ва тажрибасидан қатъий назар, ўз фаолиятида албатта тартиб-интизомга доир муаммолар билан тўқнашадилар.

Эътироф этиш жоизки, сўнгги йилларда таълим муассасаларида интизомсиз ва гиперфаол ўқувчилар сонининг ўсиши кузатилмоқда. Бундай шароитда педагогика фанида ва мактаб амалиётида ўқувчи интизомсизлиги муаммосини ўрганиш орқали психологик ва педагогик жиҳатларини очиб бериш ҳамда уни бартараф этишнинг оптимал йўллари кўрсатиб берувчи услубий қўлланмалар ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчиларда интизомсиз хулқни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш, ўқувчи интизомсизлигига таъсир этувчи асосий омилларни ўрганиш, шунингдек, интизомсиз ўсмирларни ташхислаш усуллари ёрдамида уларда кенг учрайдиган характер типларини кўрсатиб бериш мазкур услубий қўлланманинг асосий вазифасидир.

1. ЎҚУВЧИЛАРДА ИНТИЗОМСИЗ ХУЛҚНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ САБАБЛАР

Ўқувчиларда интизомсизликни келтириб чиқарувчи сабаблар ва уларни ташхислаш усуллари бўйича ўқитувчи ўз эътиборини ўқувчиларда интизомсиз хулқ-атвор юзага келишининг олдини олишга қаратиши лозим. Бу эса ўқувчилардаги интизомсиз хулқ-атворни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш ва уларда интизомни бузмаслик қатъий одатларини таркиб топтириш имконини беради.

Ўз-ўзидан, ўқитувчи қандай қилиб бундай оғишларнинг оғирлик даражасини аниқлаб, бу оғиш меъёрда ёки патологик характерга эга эканлигини белгилаб олиши мумкин, деган савол туғилади. Бунинг маълум бир мукамал жиҳатларини топиш амри маҳол. Хулқий оғишларнинг оғирлик даражаси, бундай оғишнинг меъёр даражасида ёки патологик характерга эга эканлигининг муҳим белгиси шахс характерининг ҳаёт давомида нисбатан ўзгаришига қараб баҳоланади. Агар болаликда рўй берган хулқ-атвордаги баъзи оғишлар вақт ўтиши билан ўзгармаса, у патологик характерга эга дейиш мумкин. В. П. Кашенко ҳам бу ҳақида шундай фикрни билдирган: “Баъзи болаларда хулқнинг оғиши вақтинчалик бўлиб, улар тарбиявий таъсирга осон бериладилар ва ижтимоий муҳитга мослашадилар” [16].

Болалар психологияси соҳасидаги йирик инглиз мутахассисларидан бири М.Раттер хулқ-атвордаги барча оғишларни баҳолаш учун қуйидаги мезонларни таклиф этади [28]:

1. Боланинг ёш хусусиятлари ва унинг жинсини инобатга олиш зарур. Хулқ-атвордаги баъзи хусусиятлар фақатгина маълум ёшдаги болаларга хос бўлади. Масалан, эндигина юришни бошлаётган бола яқинлари (онаси)ни озгина вақт кўрмаса ҳам безовта бўлиши табиий ҳол (бу ҳолат шунчалик одатий-ки, агар шу ёшдаги бола бундан безовта бўлмаса, ота-оналар бундан хавотирга тушадилар). Ўсмир эса бундан жуда кам ҳолларда безовта бўлади. Жинсга кўра эса ўғил болалар ва қиз болаларнинг ўзини тутиши ўхшашдир. Кўп ўғил

болаларда кизларга хос бўлган хислатларни, кизларда эса ўғил болаларга хос бўлган хислатларни кузатишимиз мумкин. Жуда кам ҳолларда ўғил болалар “аёлларга хос бўлган хислатларни” тўлик намоён этишлари мумкин.

2. Хафагарчиликнинг узоқ давом этиши. Деярли ҳар бир бола қандайдир фурсат мактабга боришни хоҳламаслик ҳолатини бошдан кечиради. Бу ҳолат бир неча кун ёки бир неча ҳафта давом этиши мумкин. Агар бир неча ойлар ёки йил давом этса, катталарда хавотир уйғотиши табиийдир.

3. Ҳаётий вазиятлар болаларнинг хулқ-атворида ва эмоционал ҳолатида вақтинчалик ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳар бир инсоннинг ривожланиши бир текисда кечмайди. “Психологик ривожланиш” юқори поғонага чиқиш ва пасайиш хусусиятига эга бўлиб, баъзи вақтларда болалар жуда таъсирчан, баъзан эса етарли даражада “қаршилиқ кўрсата оладиган” ва шароитга мослаша оладиган сифатларни намоён этадилар. Бундай ўзгаришлар боланинг ҳаёт шароитидан келиб чиқиб рўй беради. Кўп болалар учун оилада ўзидан кичик фарзанднинг дунёга келиши мана шундай ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлади. Мактабнинг ёки синфнинг ўзгариши ҳам бола учун стрессли ҳолат бўлиб, ундаги хавотирни кучайтиради.

4. Боланинг хулқ-атвори уни қўраб турган муҳит талаблари нуктаи назаридан келиб чиққан ҳолда баҳоланиши керак. Шунинг учун жамиятда мавжуд ижтимоий-маданий фарқларни инобатга олиш лозим.

5. Интизомни бузиш даражасини аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Баъзи бир аломатлар бошқаларига нисбатан кўпроқ учрайди. Ҳиссий ёки хулқ-атвор соҳасида оғишларга мойил бўлган болалар, айниқса, агар бу оғишлар психик ривожланишнинг турли томонларига таъсир кўрсатса, яъни бир соҳадаги бузилишлар бошқа соҳаларга салбий таъсир кўрсатса, алоҳида эътиборни талаб қиладилар.

6. Аломат, белгиларнинг такрорланиши ва даражаси.

7. Бола хулқ-атвори таҳлил қилинганда, бу хулқ-атвор намоён бўлишини эътироф этилган меъёрлар билан таққосламасдан, балки айнан шу бола учун характерли бўлган хусусиятларни инобатга олиш муҳимдир.

8. Ташқи белгиларнинг вазиятга боғлиқлиги. Бу жиҳат унчалик муҳим бўлмасда, хулқ бузилиши намоён бўлган вазиятга эътибор қаратиш ҳам фойдадан холи эмас. Чунки айнан мана шу жиҳат муаммонинг ривожланиш динамикасини аниқлашга ёрдам бериши мумкин.

Шундай қилиб, М.Раттернинг фикрича, болада тартиб-интизомни шакллантириш юқоридаги барча жиҳатларни мужассам этган ҳолда амалга оширилса, юқори даражада ижобий самара беради. Хулқ-атворда оғиш ҳолатининг ривожланишига қандай омиллар қай тарзда таъсир этишини инобатга олиш ҳам зарур. Эътироф этиш керакки, ҳар бир бола ўзича бетакрор, шунинг учун бу хил аломатларни аниқлаш, яъни ташхислаш мураккаб ҳисобланиб, уларнинг хулқидаги оғишнинг ривожланиш характерини билишни талаб этади [28].

Хулқдаги оғишларни тадқиқ этишга қаратилган тадқиқотларда шахснинг муҳит билан аффектив алоқасининг фаоллик даражаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Биринчи даража – *инсон организмнинг муҳит билан мутаносиб бўлиши, қулайлиги ва хавфсизлигини таъминлайди.* Инсонга ёмон таъсир қиладиган, уни хавфсиз ва қулай ҳолатини таъминловчи механизм аффектив ҳолат ҳисобланади. Вазият салбий ёки ижобий ҳиссиётларга қанчалик тўла бўлса, ундан зерикаш ҳолати шунчалик тез содир бўлади. Бу механизм фақат унинг интенсивлигига, жадаллигига боғлиқ. Биринчи даража ортиқча зўриқишдан сақлайди. Инсоннинг эмоционал мувозанатини қўллаб-қувватлаш, унинг ҳиссий зўриқишини бартараф этишга табиат манзаралари, сувнинг жилдираши ёрдам беради.

Иккинчи даража – *стереотиплар даражаси.* Бу кўп жиҳатдан инсоннинг ҳиссий индивидуаллигини шакллантириш асосларини белгилайди. Дунё ҳақидаги аффектив тасаввурларнинг барқарорлиги

унда танлаш хусусиятини таъминлайди, стеник (кучли) ҳолатларни танлаб кучайтиради ва астеник (заиф) ҳолатларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади.

Учинчи даража – *хулқ-атвори аффеktiv ташикл этишининг експансия (кенгайиш) даражаси*. Унинг механизмини бола илк ёшиданок ўзлаштира бошлайди. У хулқ-атворнинг аффеktiv стереотиплари асоссиз бўлганда организмнинг турғун вазиятларга фаол мослашишини таъминлайди. Бу механизмнинг таъсири хавфни, қийинчиликларни, номаълум хатарли вазиятларни бартараф этишга интилишда намоён бўлади.

Шунингдек, хулқ-атвордаги оғишларни аниқлашга ёрдам берувчи бошқа мезонлар ҳам мавжуд.

Н.Максимова эса жамиятга мослашиши мураккаб кечаётган, педагогик таъсирга қаршилиги кучли бўлган, тарбияси оғир ўсмирларнинг куйидаги типларини ажратиб кўрсатади:

1) шахсий тузилмаси етарлича шаклланмаган, қуйи даражадаги ахлоқий тасаввурлар ва ижтимоий хулқ малакалари кузатилган (педагогик қаровсиз) ўсмирлар;

2) юкори асаб фаолият ривожланиши хусусиятларида камчиликлар (эмоционал барқарорликка эга бўлмаган, импульсив, таъсирчан, жиззаки) кузатиладиган ўсмирлар;

3) ноокилона тарбиявий таъсир орқали тарбияси қийинлашган (нотўғри ташхисланган ёки турли вазиятлар таъсирида тарбияси оғирлашган) ўсмирлар;

4) ўсмир шахсида янгидан вужудга келган функционал салбий ўзгаришлар (шахсида кузатилган ахлоқий оғиш ҳолати) [21].

И.Фурманов болалар хулқида негатив ахлоқий шаклларнинг пайдо бўлишини оилавий тарбия усулларининг нобоплиги билан боғлаб изоҳлайди: эмоционал зўравонлик кўрсатилган болалар (Золушка типидagi болалар бунга ёрқин мисол бўла олади), “гиппопротекция” (боланинг ўз қобиғига ўралиб қолиши), устувор гипперпротекция (ота-онанинг болага ҳаддан зиёд эътибор бериши, фарзандининг ҳар қандай мустикаллигини чеклаши) [41].

Хуқукбузарлик ва тарбияси оғирликни таснифлашнинг яна бошқа кўпгина усуллари мавжуд бўлиб, амалий психолог ўқувчининг хулқидаги камчиликлар сабабини тушуниши, боланинг бу хил хулқий бузилишларга учраш механизмини англаши; девиант хулқ-атвор ва тарбияси оғирликни вужудга келтирувчи шарт-шароитларни ўрганиши зарур. Улар психолог учун тарбияси оғир болалар билан ишлашда ўзига хос кўрсатма вазифасини ўтайди ва бундай вазиятда қўллаш учун мос метод ва воситаларни, хусусан, кузатиш, фаолият маҳсули (жумладан, моддий, интеллектуал, маънавий фаолият маҳсули)ни таҳлил қилиш, анкета, тестлаштириш, социометрик ўлчаш, вербал методикалар, суҳбат ва бошқаларни танлашга қўмаклашади.

Ҳар бир девиант хулқ-атворли бола ўзига хос хулқий бузилишлар тизимига эга бўлиб, уларга боланинг дарс қолдириши, ўз тенгдошларига жисмоний тазйиқ ўтказиши, атрофидагилар билан қўпол муносабатда бўлиши, одамларга душманлик қилиши, ўз мажбуриятларига бефарқ қараши, педагогик талабларга агрессив тарзда қарши туриши, ота-онаси ва ўқитувчисига ишонмаслиги, ўзига юқори баҳо бериб, манманлик қилиши кабилар киради. Амалий психолог бундай нохуш сифат хусусиятларининг келиб чиқиш сабаблари, генезисини яхши билиши лозим. Шундагина у керакли профилактика ишларини амалга оширади, зарурий ташхисни қўя билади, тўғри маслаҳат беради ва коррекция ишларини амалга оширади. Бунда, албатта, хулқий бузилиш сабабларининг ўзаро алоқадор бўлишини назарда тутиш зарур. Оила – болани тарбиялашнинг асосий дорилфунуни ҳисобланади. Болалар хулқ намуналарини ўз ота-оналаридан ўрганадилар, чунки айнан ота-оналар хулқ-атворни баҳолаш меъёрларини аниқлаб берадилар.

Болалар кўпинча ота-оналарига тақлид қиладилар, улар каби хатти-ҳаракатларни бажарадилар, уларнинг ролини ижро этадилар, шу сабабли боладаги хулқий бузилишлар коррекция қилинар ва зарур маслаҳатлар берилар экан, буни нафақат болалар билан, балки уларнинг ота-оналари билан ҳам амалга оширишга тўғри келади.

2. ЎҚУВЧИ ИНТИЗОМСИЗЛИГИГА ТАЪСИР ЭТАДИГАН АСОСИЙ ОМИЛЛАР

Ўсмир шахсининг тавсифида ижобий сифатлар билан бир каторда айрим салбий жиҳатлар ҳам кузатилади. Шунинг учун ҳам бу жиҳатларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш психология ва педагогика фани ҳамда таълим амалиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, интизомсизлик кўп омилларга эга бўлган серқирра жараён ҳисобланади.

Ўқувчи интизомсизлигини бартараф этишга қаратилган илмий тадқиқот ишимиз жараёнида амалиётдаги ҳолатни ва тадқиқот муаммосига доир адабиётларни таҳлил этиш уларда илгари сурилган илмий-амалий фикр-мулоҳазаларни таҳлил қилиб, ўқувчи интизомсизлигининг вужудга келиши ва чуқурлашуви сабабларини белгилаб берувчи етакчи омилларни аниқлаш имкониятини вужудга келтирди. Шу тариқа ўқувчи интизомсизлигини келтириб чиқарувчи омиллар борасида зарур маълумотлар тўпланди, улар педагогика тажриба-синов объекти сифатида батафсил ўрганилди ва таҳлил этилди.

Таъкидлаш лозимки, аксарият ўсмирларга девиант хулқнинг делинквент, аддиктив ва интизомсизлик кўринишлари хос ҳисобланади. Делинквент хулқ инсон хулқидаги маънавий-ҳуқуқий меъёрларнинг бузилиши (ҳуқуқбузарлик) билан боғлиқ бўлса, аддиктив хулқ бола ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи иллатлар, жумладан, кашандалик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, интернетни суиистеъмол қилиш кабиларга бориб тақалади. Интизомсиз ўқувчиларнинг баъзан бир неча кун, ҳатто ойлаб дарсга қатнашмасликлари, улар хулқида ошкора намоён бўлувчи салбий иллатлар атрофдаги тенгдошларига салбий таъсир кўрсатиши табиий.

Мазкур муаммо амалиётчи ўқитувчилар билан бирга, педагог олимларни ҳам ташвишга солувчи муаммолардан ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон олимлари ҳам ўсмирлар орасидаги девиант хулқ муаммоларига оид илмий ишлар қилишган. Жумладан, Ҳ.Рашидов, Ю.Асадов, Р.Мусурманов, Г.Қ.Тўлаганова,

З.Т.Нишанова, З.Б.Курбонова, С.Файзиев, К.Норматов, Г.Худоярова, И.М.Хакимова, Г.Ядгарова, О.Авлаевлар ўз илмий изланишларида девиант хулқли ўсмирлар хулқ-атвориغا хос салбий иллатларнинг олдини олиш, унга қарши курашиш, уларни қайта тарбиялашнинг психологик, педагогик, ҳуқуқий масалаларини ўрганишган [2,29,30,32,36,37,42], олимлар М.Имомназаров, А.Мусурманова, О.Жамолидиновалар шахс тарбиясида маънавий-ахлоқий тарбия масалаларини [15,23], социолог олим М.Бекмуродов шахс ахлоқини шакллантириш ҳамда ахлоқий бузилишларни олдини олишда жамоатчилик фикрининг тутган ўрни масалаларини илмий жиҳатдан тадқиқ этишган [5,6].

Интизомсизликнинг юзага келишига турли омиллар таъсир кўрсатади. Уларни мазмунан таснифлаш мазкур омилларнинг икки асосий гуруҳга мансублигини кўрсатади. Булар ижтимоий (объектив) ҳамда мантиқий (субъектив) омиллар. Мазкур омиллар худди ижтимоий ва психоонтогенез жараёнлар ўзаро алоқадор бўлгани каби бирини вужудга келишига иккинчиси бевосита таъсир кўрсатади, яъни улар бир-бирини тўлдиради.

Интизомсизлик даражасини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири оила ҳисобланади. Аксарият тадқиқотчилар ҳақли равишда мазкур омилни етакчи омил сифатида эътироф этадилар. Оиланинг етакчи вазифаларидан бири болаларнинг ижтимоийлашишини таъминловчи тарбиявий таъсир кўрсатишдан иборат. Афсуски, ушбу вазифа айрим омиллар туфайли, жумладан, ота-оналар томонидан доим ҳам қониқарли бажарилмайди. Тадқиқотчилар оилада юзага келадиган интизомсизликнинг қатор сабабларини ажратиб кўрсатадилар:

- оила таркибининг нотўлиқлиги;
- ота-оналарнинг педагогик билими паст даражада бўлиши;
- оила аъзоларининг тарбия борасидаги қарашлари муштарак эмаслиги;
- турли сабабларга кўра, ота-оналарнинг тарбия жараёнидан четлаштирилиши;

- оила моддий таъминотининг қуйи ёки аксинча, ниҳоятда юқори даражада бўлиши ва ҳ.к.

Таъкидлаш ўринлики, интизомсизликнинг юзага келиши ва кучайишига оилавий муносабатлар бевосита кучли таъсир кўрсатади. Хусусан, интизомсизликнинг кучайишига ўсмирларнинг айрим ноўрин хатти-ҳаракатлари, ўқув жараёнида қутилган ютуқларга эриша олмгани, ҳатто ўқитувчининг танбеҳи кабиларга нисбатан ота-оналарнинг нотўғри муносабати сабаб бўлиши мумкин.

Интизомсизликнинг вужудга келиши ва кучайишидаги иккинчи муҳим омил ўқув фаолиятининг сифатсиз ташкил этилиши, яъни таълим-тарбия жараёнидир. Ўқувчи интизомсизлигининг сабаблари, худди унинг шакллари каби турличадир. Аксарият ҳолларда ўқув муассасасидаги интизомсизлик таълим субъектлари (педагоглар ёки синфдошлар билан ва б.) ўртасидаги ўзаро муносабатлар, ҳуқ-атвор қоидаларининг бузилиши, шунингдек, ўқув материалини ўзлаштиришдаги жиддий қийинчиликлар, ўқувчиларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятининг тўлиқ татбиқ этилмаслигида ўз ифодасини топиб, ўқув фаолияти билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Н.М.Иовчук ва А.А.Севернийларнинг фикрича, “...мактабдаги интизомсизлик ўқувчи шахси ва уни ўраб турган муҳитнинг издан чиққан ўзаро таъсири натижасида вужудга келган мураккаб ижтимоий-шахсий ҳодиса ҳисобланади” [14].

Тадқиқотчилар таълим муассасасидаги интизомсизликнинг асосий сабаблари таркибида муассасада амал қилиш лозим бўлган мулоқот маданияти меъёрларига зид бўлган муносабатлар, ўқитувчининг тарбия соҳасидаги индивидуал услуби хусусиятлари, педагог ва таълим муассасаси маъмуриятининг сушт педагогик ҳамкорлиги, мактабда ўқувчининг тўлақонли шахс сифатида ривожланишига таъсир кўрсатувчи шарт-шароитларнинг мавжуд бўлмаслиги, педагогларнинг ўқувчиларга нисбатан салбий муносабатда бўлишлари, синф жамоасида шахслараро ўзаро муносабатларга таъсир кўрсатувчи айрим омиллар, таълим методикасининг замонавий талаблар даражасида бўлмаслиги,

педагоглар умумий маданияти даражасининг пастлиги кабиларни кўрсатадилар.

Юкорида қайд этиб ўтилган омилларнинг ҳар бири интизомсизлик жараёнларини вужудга келтиради. Мактабдаги интизомсизлик тўсатдан, кутилмаганда содир бўлмайди. Бу жараён узоқ ва яширин тарзда давом этадиган интизомсизликнинг муайян босқичида яққол ифодаланган тарзда намоён бўлади.

Мактабда ўсмирлар билан боғлиқ интизомсизликнинг қуйидаги шакллари ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ўқувчининг шахс сифатида ўзини етарлича ифодалай олмаслиги, жамоадан ажралиб қолиши;
- ўқувчининг дарсга муносабати ёмонлашининг асосий сабабларидан ҳисобланувчи унинг фаолиятидаги мотивацион жиҳатлардаги ўзгаришлар;
- ўқувчида истикбол режалар ва ўз-ўзига ишончнинг йўқолиши, руҳий тушқунлик ва изтиробга тушиши билан боғлиқ ҳолда лоқайдлик кайфиятига берилиши;
- ўқувчиларнинг ўқув мажбуриятларини бажармасликлари;
- тартиббузарлик сонининг ортиши;
- атрофдагилар билан ўзаро зиддиятларнинг кучайиши;
- ўсмирларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш жараёнида тенгдошларидан ортда қолиши.

Интизомсизлик омиллари тизимида ўқувчи шахсининг ўзига хос хусусиятлари алоҳида ўрин тутати. Интизомсизликнинг кўпгина сабаблари орасида ушбу омилга тегишлиларидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- шахсда интеллектуал, эмоционал, шахсий мотивацион сифатларнинг етарлича ривожланмаганлиги;
- кадриятлар тизимининг мавжуд эмаслиги;
- ички комплексларнинг намоён бўлиши;
- жисмоний ва руҳий зўриқиш;
- шахсий ҳаётдаги муваффақиятсизликлар;
- ўз-ўзини тўғри баҳолай олмаслик;

- ёшига хос бўлмаган инфантиллик (ёш болаларга хос руҳий ва жисмоний ҳолатларнинг сақланиши), унинг кўпинча лоқайдлик, ижтимоий хулқ-атворида агрессивликнинг пайдо бўлиши каби мутлақо нохуш ҳолатларга ўтиши;

- продавий сифатларнинг етишмаслиги.

Ўқувчининг интизомсизликка мойиллигини белгилаш дарсларни ўзлаштирмаганлигини аниқлашга қараганда бирмунча мураккаброқ, албатта. Ўзлаштирмаслик сабабларини аниқлашнинг доимий тизимли мезони билимларни баҳолаш бўлса, интизомни баҳолашнинг эса бу хил мезони йўқ.

Мазкур муаммо юзасидан олиб борган тадқиқотимиз давомида интизомсизликнинг сабабларини иккита гуруҳга бўлиб ўрганиш маъқул, деган хулосага келдик.

1. Интизомсизлик шахснинг **мотивацион-аффектив жиҳатлари** билан боғлиқ бўлади. Бундай ўқувчилар интизомсизликнинг қуйидаги хусусиятларига кўра фаркланадилар:

- ўқувчининг атрофидаги одамлар билан муносабатлари нотўғри шаклланган мулоқот натижасида ёмонлашади, натижада у ё ўртоқлари (синфдаги барча ўқувчилар билан ёки айрим синфдошлари билан), ота-онаси ёки ўқитувчиси билан келишмовчиликка боради. Ўз интизомсизлиги билан у синфдошлари, ота-онаси ёки ўқитувчисига қарши туришга интилади, бу эса бошқаларда норозилик туйғусини уйғотади;

- интизомсизлик ўқувчининг мактаб ва ўқишга нисбатан нотўғри муносабати оқибати бўлади. Бунинг натижасида бу тоифага мансуб ўқувчиларнинг қизиқишлари мактаб ва ўқишдан ташқари нарсаларга қаратилади, мактаб ва ўқиш улар учун кейинги ўринларни эгаллайди;

- ўқувчи ўртоқлари ичида обрў-эътибор қозонишни истайди, ўқишдаги муваффақиятлари ёки шахсий фазилатлари билан эмас, балки кўпол ҳазиллари, сўқинишлари билан уларнинг эътиборига сазовор бўлишга ҳаракат қилади, натижада дарсда, танаффус вақтида ёки тадбирларда интизомсизлик қилади;

- мактабда ўқишга келишгача даврда олинган нотўғри тарбия оқибатида ўқувчи дарсда нимани хоҳласа шу билан шуғулланиб ўтиради, жамоат талабларига риоя қилмайди.

2. Интизомсизлик ўқувчининг ахлоқий қонда ва меъёрларни билмаслиги оқибатида вужудга келади, унда ахлоқий меъёрларга мувофиқ ўзини тутиш кўникмалари шаклланмаган бўлади, ўзини қандай тутишни билмайди. Бундай ўқувчиларни, ўз навбатида, интизомсизликнинг хусусиятига кўра иккита гуруҳга бўлиш мумкин:

- ўқувчилар ўз хулқ-атворлари ёки фаолиятларини ёмон ташкил этишлари оқибатида интизомсизликка йўл қўядилар. Натижада, улар ўзларини яхши тута билмайдилар, ё хулқ қондаларини билмайдилар, ёки ижобий хулқ-атвор фазилатларини машқ қилиб, мустаҳкамлаб олмаганлар;

- ўқувчи интизомсизлигига унинг хатти-ҳаракатидаги сусткашликка мойиллик, таъсирчанлик, жонсараклик кабилар сабаб бўлади.

Биринчи гуруҳга ёқимсиз эмоционал кечинмалар ҳамда жазавага тушиш натижасида интизомсизлик қиладиган ўқувчиларни киритиш мумкин. Мазкур гуруҳ интизомсиз ўқувчиларнинг аксарият қисмини ўзида жамлайди. Бундай ўқувчилар салбий кечинмаларга мойиллиги ҳамда ўта таъсирчанлиги туфайли ўз ўртоқлари ва ўқитувчилари билан доимий равишда келишмовчиликка борадилар, жиззакилик қиладилар. Уларнинг ноадекват хатти-ҳаракатлари хулқидаги нохушликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Биринчи навбатда, ўқишдаги муваффақиятсизликлар сабабли оғир ҳиссиётлар таъсирида юрадиган ўқувчиларни алоҳида қайд этиш лозим. Дарсларни ўзлаштира олмаслиги, яхши ўқийдиган синфдошининг мавқеи даражасига интилиши, лекин бунга эриша олмаслиги кўпинча бундай ўқувчида ўқитувчисининг адолатли баҳо қўйганига ишонмаслик ва алам туйғуларини уйғотади. Бундай ҳиссиётлар натижасида у бирдан кизишиб, тутақиб кетади, ўртоқлари ва ўқитувчиси билан жанжаллашади. Паст баҳо олгани ёки ўзи кутганидан кўра пастроқ баҳолангани сабабли у ахлоқсизлик билан

қўполлик қилади, зўравонликка интилади, ўзиникини маъқуллайди, овозини кўтариб, ўзининг ҳақлигини исботлашга интилади.

Кўпинча ўқувчининг ёмон ўзлаштириши, ҳатто қоникарли даражада ўзлаштириши ҳам ота-она билан ўсмир ўртасида келишмовчиликларни келтириб чиқаради. Аксарият ҳолларда ота-оналар ёмон ёки унчалик юқори бўлмаган баҳо туфайли фарзандларини жазолайдилар. Болалари учун кадрли бўлган нарсадан маҳрум қиладилар. Ота-онанинг бола имкониятларини назарда тутмаган ҳолда бундай муносабатда бўлиши боланинг кайфиятини бузади, унинг янада ёмонроқ ўқишига сабаб бўлади. Оилада оладиган жазосини ўйлаб, ўқувчи ёмон баҳо қўйилишига қаттиқ қаршилиқ кўрсатишга мойил бўлади.

Ўқувчида ҳиссий изтиробларнинг вужудга келиши ўқитувчисининг унга нисбатан муносабатига ҳам боғлиқ бўлади. Ўқитувчисининг унга муносабати ёмон эканлигини сезиши, гарчи ҳеч қандай асосга эга бўлмаса-да, ўқувчида алам туйғусини уйғотиб, унинг хулқи бузилишига ҳамда ёмон ўқишига сабаб бўлади. Баъзан бундай ўқувларга ўқитувчининг қайсидир гаплари ёкмайди, ўқитувчи уларнинг қобилятларини тан олмайдигандек, уларни ҳақоратлаётгандек, уларга нисбатан адолатсизлик қилаётгандек туюлади. Бунга жавобан улар ўқитувчининг огоҳлантиришларига қулоқ солмайдилар, ўзларидаги нохуш туйғуларни гап қайтариш ва қўполлик қилиш билан намоиш этадилар.

Салбий ҳиссий кечинмалар кўпроқ жамоада ўз тенгдошлари билан келишолмайдиган ўқувчиларни безовта қилади. Айрим ўқувчининг синфдошлари билан чиқиша олмаслигининг асл сабаби шундаки, у ўзини жамоада ўзи хоҳлаган ўринни эгалламаётгандек ҳис қилади. Бундай салбий кайфият ва кечинмалар унинг баъзан интизомсизлик қилиши ёки доимий равишда тартиббузарликларни содир этишининг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари, оиласи ҳам унда шундай салбий туйғулар пайдо бўлишида муайян ўрин тутди. Ота-она ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлиги жанжаллар, зиддиятлар, тортишувлар, бир-биридан норози бўлиб юриш, ота-оналарнинг фарзандларга

нисбатан турлича муносабатда бўлиши, жазолашлар, умуман шунга ўхшаш нохуш ҳолатлар ўқувчида оғир руҳий кечинмаларни вужудга келтириб, унда юқорида қайд этилган интизомсизликнинг белгилари бўлган негативизм, агрессив хатти-ҳаракатлар, кўполлик, гапга кулок солмаслик каби салбий одатларнинг шаклланишига олиб келади.

Интизомсизлик — шахс ички ва ташқи муносабатларида комплекс уйғунликнинг бўлмаслиги натижаси ҳисобланиб, шахснинг ички дискомфорт (ноқулайлик)ни ҳис қилиши, фаолияти, хулқи ва атрофидаги кишилар билан ўзаро муносабатининг издан чиқишида намоён бўлади [15]. Интизомсизлик интегратив ҳодиса сифатида бир қанча кўринишларда ифодаланади. Булар: патоген, ижтимоий-руҳий ва ижтимоий кўринишлар.

- **Патоген кўриниш** асаб тизимининг бузилиши, бош миёдаги касалликлар, анализаторлар (сезги органлари, миё ва уларни бириктирувчи асаблар)нинг касалланиши ва турли хил фобия (кўрқув)лар оқибати сифатида вужудга келади .

- **Ижтимоий-руҳий интизомсизлик** ёшнинг ўсиши ва жинсий ўзгаришлар жараёнида аклий ривожланиш ҳамда эмоционал-иродавий соҳада нохушликнинг пайдо бўлиши кабилар оқибатида шаклланади.

- **Ижтимоий интизомсизлик** қонун ва ахлокий меъёрларни бузишда намоён бўлиб, хулқнинг ноижтимоий шакллари - ички ўз-ўзини бошқариш тизими, қадриятлар йўналиши, ижтимоий йўл-йўриқлар ва мақсадларнинг шаклан ўзгариши билан боғлиқ ҳолда содир бўлади.

Интизомсизлик ҳаёт ва фаолиятнинг турли соҳаларида қанчалик тарқалганлиги даражасига, шунингдек, шахс унга қай даражада йўл қўйганлигига қараб таҳлил этилади. Ифодаланишига кўра, интизомсизлик яширин, очиқ ва аниқ кўринишларда намоён бўлади. Вужудга келиш характериға кўра, бирламчи, иккиламчи, қанча давом этишиға кўра, вазиятли, вақтинча ва турғун (барқарор) турларға бўлинади. Интизомсизлик ҳар қандай жараён каби вужудға келиши, ривожланиши, сифат ҳолати, ривожланиш йўналиши, таснифий хусусиятларға эға.

Интизомсизликни бартараф этишнинг самарали йўлларини танлашда таснифий тавсифнома муҳим ўрин тутди. Ҳозирги кунда турли мезонлар асосида интизомсизликни таснифлашнинг бир қанча турлари мавжуд [4,25,26]. Амалиётдан келиб чиқиб, таснифлашнинг қуйидаги омилларини кўриб чиқиш мумкин:

Т/.	Омиллар	Болалар гуруҳи	Девияция сабаблари
1.	тиббий-биологик (саломатлик ҳолати, наслий ёки туғма хусусиятлар, руҳий ёки жисмоний бузилиш, қорин ички қисми ривожланишидаги жароҳатланишлар ва ҳ.к.)	клиник-патологик жиҳатдан ривожланишида муаммолари мавжуд болалар.	саломатлик ҳолатларида меъёрдан оғиш (болаларнинг жисмоний ёки руҳий саломатлигидаги бузилишлар, жисмоний ўсишдан ортда қолиш, бўйнинг ўсмаслиги, характерда акцентуация ҳолатининг кузатилиши кабилар);
2.	иқтисодий-ижтимоий (оиланинг моддий муаммолари, оиладаги ноқулай руҳий муҳит, ота-онанинг ахлоқсиз ҳаёт тарзи, жамият ҳаётига мослаша олмаслик ва ҳ.к.).	турли юридик кучга эга бўлмаган шарт-шароитлар туфайли ота-она ғамхўрлигидан маҳрум болалар	- оилавий тарбиядаги хатолар (“ҳаддан зиёд эркалатилган болалик”, “эзилиб, зада бўлган болалик”, “ҳалокатга маҳкум болалик”, “ёлғиз болалик”, “лоқайдликда ўсган, безътибор болалик); - ота-онада элементар психологик-педагогик билимларнинг етишмаслиги, тарбияга оид ташвишларнинг мактаб зиммасига юклатилиши; - ўсмирнинг оилавий юмушлардан четлатиб қўйилиши; - оилавий зиддиятлар ва ҳ.к.; - ижтимоий сабаблар (жамият ва микросоциумдаги қарама-қаршиликлар ва ҳ.к.).

3.	психологик (ўзини ўзгалар томонидан қабул қилинмагандек ҳис қилиш, беқарор эмоционал ҳолатлар, тенгдошлари ва катталар билан ўзаро мулоқотда қийинчиликни ҳис қилиш ва ҳ.к.).	ижтимоий-лашмаган, нохуш оилалардан чиққан болалар.	шахслараро ўзаро муносабатлар соҳасидаги бузилишлар (эътироф этилмаган, донгдор бўлмаган, синф жамоасидан ажралиб, яққаланиб қолган, азият чекиб юрадиган, эркин мулоқот гуруҳлари томонидан рад этилган (ёшларбоп кўнгилочар кечалардан маҳрум қилинган); зиддиятли, назоратсиз, оила ғамхўрлигидан мустасно); - руҳий зарарланиш ҳолатлари (ота-онанинг ажралиши, яқинларининг вафот этиши, турар жойни алмаштириш ва ҳ.к.).
4.	педагогик (таълим муассасасининг ўқув дастурлари ва ўқув шарт-шароитларининг болалар психофизиологик хусусиятларига, руҳий ривожланиши ҳамда ўқиб-ўзлаштириш маромига мос келмаслиги; ўқишга қизиқмаслик).	ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-руҳий қўллаб-қувватлаш ҳамда қўмакка муҳтож оилаларнинг болалари.	педагогларнинг хатолари (педагогик фармонбардорликнинг ҳаддан ошиб кетиши; боланинг индивидуал рағбатлантирилишдан маҳрумлиги, ўқувчини жазолашда унинг шахс сифатида камситилишига йўл қўйиш; ўқувчига қўйиладиган талабларнинг ўзаро мос келмаслиги; унинг ўзига хос хусусиятларини юзаки билиш, ўқувчининг ота-онаси ва ўқитувчилар ёки ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги зиддиятли муносабатлар ва ҳ.к.).

Мактаб интизомсизлиги – ўқувчида ўқишга бўлган муносабатнинг бузилиши, зиддиятли муносабатлар, психоген касалликлар ва реакциялар, хавотир даражаларининг ортиши, ўқувчи

шахси ривожланишида нотўғри механизмларнинг шаклланиши. Бу муаммоларнинг негизида мураккаб шахсий ва ижтимоий муносабат омиллари ётади. Айнан шу омиллар ўқувчининг баркамол шахс бўлиб шаклланишига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Аксарият ҳолларда ўқувчиларда бундай ҳолатлар унга нисбатан ноўрин педагогик талаблар қўйилиши натижасида ҳам содир бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мактаб интизоми таълим муассасасида унинг барча субъектлари томонидан уларнинг хизмат ва профессионал фаолияти, ўқувчиларнинг эса ўқув фаолияти доирасида амал қилиши шарт бўлган ва катъий ўрнатилган тартибининг мавжудлиги демакдир.

3. ИНТИЗОМСИЗ ЎСМИРЛАРНИ ТАШХИСЛАШ УСУЛЛАРИ

Хулқдаги бузилишлар сабабини комплекс ўрганиш, аниқ ташхис тадбирлари дастурини тузиш ва девиант ўқувчи муаммоларини ҳал этиш йўлларини белгилаш кабилар айтиш вақтда оилавий ва педагогик тарбиядаги камчиликларни бартараф этишни ҳам ўз ичига олади. Бундай ҳолатда ўқув-тарбия жараёнининг барча қатнашчилари учун бирдек зарур бўлган психологик кўмак беришга қаратилган тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишга тўғри келади. Турли ёш тоифалари учун бирдек яроқли ҳисобланган А.Пейннинг, С.Подмазин томонидан мослаштириб, қайта ишланган “Тугалланмаган гап” методини қўллаш амалиётда девиант хулқ-атворга эга бўлган турли ёш тоифасидаги одамлар хулқдаги девиантлик сабабларини аниқлашда мақсадга мувофиқ келадиган методлардан ҳисобланади [26, 27].

Натижаларни қайта ишлаш орқали ўқувчининг ота-онаси, дўстлари, синфдошлари, ўқитувчилари ва ўз-ўзига муносабати сабабларини аниқлаш, уларнинг орзу-истаклари, қўркувлари, шахс сифатида ривожланишидаги муаммоларни чуқурроқ ўрганиш мумкин. Шуларга асосланиб устувор онг стереотиплари ва фаолият кўринишлари психологик таҳлил қилинади. Психолог 9 –11 ёшдаги болалар учун 90 та саволдан ташкил топган сўровномадан фойдаланиб, уларнинг шахс сифатида ривожланишида тўсиққа учраш сабабларини ташхислаши мумкин.

Сўровнома психологга ўқувчи хулқда кузатиладиган импульсивлик (таъсирчанлик ва жиззакилик), агрессивлик, ноўрин хулқ-атворга мойиллик, жамоада одамовилик, ўз кучига ишонмаслик, эстетик бефарқлик, таҳлика ва хавотирга тушиш даражаларини аниқлаш имконини беради. Бундай ташхис ишларини ташкил қилишда бола билан психолог ўртасидаги ўзаро ишончга асосланган муносабатларнинг мавжуд бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур диагностиканинг валидлиги кўп йиллик тажрибалар асосида тасдиқланган. Темперамент типини ўрганишда Г.Айзенкнинг

сўровномаларидан ёки тейпинг-тестлардан, ўқувчининг зиддиятли вазиятларда ўзини қандай тутишини ўрганишда С.Розенцвейгнинг фрустрация тестидан фойдаланиш мумкин [1].

Тарбияси оғир ўсмирлар зиддиятли вазиятларга нисбатан стереотип реакцияси йўналишига кўра фарқланадилар. Уларнинг айримлари экстерналликни, бошқалари эса – интерналликни намоён қилсалар, айримлари бундай вазиятларга бефарқлик билан муносабатда бўладилар ёхуд мурасасозликка ўтадилар. Бу хил тарбияси оғир болалар билан ишлашда психолог А.Личконинг характер акцентуациясининг 11 типини аниқлашга қаратилган патохарактерологик сўровномаларидан самарали фойдаланиши мумкин. Шунингдек, шахс акцентуациясини ташхислашда К.Леонгард, Х.Шмишекнинг “Шахс акцентуацияси” концепциясига асосланган сўровномаларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Атроф-муҳитнинг болага, ва аксинча, боланинг ўз яқинларига муносабатини ўрганиш методлари ичида ижтимоий яқинликни ўрганиш методикаси энг самарали ҳисобланади. [17].

Ўзининг барча фазилатларига қарамай, мураккаблиги ва кўп вақт талаб қилиши сабабли (бир ўқувчига 1-1,5 соат вақт кетади) А.Е. Личко ишлаб чиққан сўровнома мактаб психологлари томонидан жуда кам қўлланилади. Бундан ташқари, патохарактериологик ташхисий сўровномани гуруҳли вариантда қўллаш жуда қийин.[18]

Мактаб психологига гуруҳли ташхис ўтказиш учун қулай ҳисобланувчи бирмунча ихчам матнлар маъқул келади. Айнан шу мақсадда патохарактериологик ташхисий сўровномани модификациялаш зарурияти юзага келади. (1-илова)

Мазкур модификациялаштирилган патохарактериологик ташхисий сўровнома (МПТС)да, биринчидан, сўровнома матнига фақат ташхисий саволлар киритилиб, натижада унинг ҳажмини анча қисқартиришга (351тадан 143 тага туширишга) муваффақ бўлинди, шу билан бирга, А.Е.Личко ишлаб чиққан ва мактаб психологлари ўртасида бирмунча тарқалган таъкидланувчи (акцентуат) характер типини Леонгард, Лихтен-Шмишек томонидан ишлаб чиқилган сўровномага негиз бўлган қулай методикаларга яқинлаштириб,

уларни қўллашнинг мураккаб бўлмаган баҳоловчи тадбирларидан фойдаланишга ҳаракат қилинди.[17,18,20]

Иккинчидан, ташхисни бир қабул жараёнида амалга ошириш имконига эга бўлиш учун фақат “Ҳа” жавобларигина ташхисий аҳамиятли ҳисобланади (патохарактериологик ташхисий сўровномада эса икки жавоб текширилиб, “Ҳа” жавоб варианты танлангач, синалувчи ўзига хос бўлмаган тасдиқни танлаб, уни “Йўқ” индекси билан белгилар эди).

Учинчидан, модификациялаштирилган патохарактериологик ташхисий сўровноманинг муҳим хусусияти шундаки, тест натижаларининг аксарият қисми синалувчиларнинг ўзи томонидан амалга оширилади, жумладан, жавоб варақасидаги ажратиб олинган бирмунча кўпроқ балли шкалалардаги баллларнинг умумий миқдорини ҳисоблаш ҳам синалувчи томонидан бажарилади. Тест кўрсаткичларига асосланиб, ташхис тартиби шу даражада қулайлаштириладики, 9–11-синф ўқувчилари ўз-ўзини мустақил равишда тестлаштириши ва психолог кабинетида индивидуал маслаҳат олиши мумкин. Бунда психолог бажарадиган иш олинган натижалар билан танишиб чиқиб, ушбу натижалар бўйича суҳбат ўтказишдан, яъни психологик масалаҳат беришдан иборат бўлади. Бир ўқувчини ташхис этишга ўртача 30–35 дақиқа вақт сарфланади, холос. Тест гуруҳли вариантда ҳам ишлатиш учун жуда қулай.

Тўртинчидан, сўровнома мазмунини ҳам модификацияланиб, айрим саволлар тугалланмаган жумлалар тарзида ифодаланди. Масалан, интроверт ўсмирлар учун кенг қўлланиладиган “Мен жуда қўрқаман, келажакда ёлғиз қолишдан”, “Мен жуда қўрқаман...” каби бошқа савол вариантлари билан ишланганда синалувчи ўзи маъқул кўрган вариантни осон танлай олади. Юқорида қайд этилган сўровномаларда эса бундай тасдиқланувчан типдаги жавоб вариантларидан фойдаланилмаган.

Модификациялаштирилган патохарактериологик ташхисий сўровноманинг мазмуний валидлиги икки хил усул билан текширилди: биринчидан, ПТС тартиби асосида, модификациялаштирилган патохарактериологик ташхисий сўровнома

бўйича олинган ташхисий корреляцияга кўра. Акцентуациянинг барча типлари бўйича жавобларнинг мослиги умуман 76 фоизни ташкил этди.

Шуниндек, синф раҳбарларининг эксперт баҳолари асосида модификациялаштирилган патохарактериологик ташхисий сўровномадан олинган корреляцияси текширилди. Тажиба-синов синфида 3-4 йил иш тажибасига эга бўлган, ўз ишига масъулият билан ёндашадиган педагоглар ушбу жараёнга жалб этилди. Ўтказилган маъруза ва семинарларда экспертлар характер акцентуацияси феноменологияси бўйича қисман назарий тайёргарликни ўтаб, тегишли даражада тайёрландилар.

Экспертлар ўз синфларидаги ўқувчилар учун ташхисий варақалар олдилар, унда вертикал бўйича чапда характер типлари номлари ва уларнинг етакчи жиҳатлари тавсифланиб, горизонтал бўйича чапда синф ўқувчиларининг рўйхати келтирилган. Экспертнинг вазифаси ўн балли шкала асосида синфдаги ҳар бир ўқувчида ифодаланган характер акцентуати бўйича белгилар комплексини баҳолашдан иборат.

Тажиба-синов бўйича экспертлар “мактаб клиникаси” асосида қўйган ташхисининг мослиги 87 фоизни ташкил этди.

Агар А.Е.Личко маълумотларига кўра, айрим типлар (шизоид, қўзғалувчан, психастеник кабилар)нинг ПТС бўйича ташхисий мослиги 70 фоиздан камни ташкил этмаса, ушбу кўрсаткични қониқарли деб ҳисоблаш мумкин [19,20].

Шунингдек, циклоид, астено-невротик (жисмоний ва руҳий заиф-асабнок) тип ва сенситив (ҳиссиётчан) типларнинг сўровнома ва эксперт баҳолари кўмагида идентификациялашнинг мураккаблигини ҳам таъкидлаш жоиз. Ўқувчилар хулқ-атворини кузатиш, уларнинг ўзлари ва ота-оналари билан яккама-якка суҳбатлар ўтказиш, умумлаштирилган кўрсаткичлар ташхиси, Айзенк сўровномаси, ЧХТ ва бошқа методикалар қўлланганда, кўрсатилган типларнинг кўпинча “маскировка”ланиш ҳолати аниқланди. Масалан, циклоид ва астено-невротик (жисмоний ва руҳий заиф-асабнок) типлар кўпинча ўзларини лабил типдаги ўсмир қилиб кўрсатадилар. Ҳиссиётчан тип

ўсмирлик ёш даврида кам учрасада, айрим ҳолларда 5-синф ўқувчилари орасида ҳам бундай ўсмирларнинг мавжудлиги қайд этилган.

Сўровноманинг ишончлилиги икки ҳафтадан сўнг қайта тестлаштириш ишларини ўтказиш орқали текширилди ва 94 фоиз мутлақо тўғри белгилангани тасдиқланди.

Сўровнома 143 та тасдиқни ўз ичига олиб, унда 10 та таркибий ва битта назорат шкаласи (ёлғон шкаласи), ҳар бир шкалада эса 13 тадан тасдиқ шкаласи мавжуд. Сўровнома матнидаги тасдиқлар бетартиб тарзда жойлаштирилган. Синалувчилар таркибида гипертим, циклоид, лабил (ўзгарувчан), астено-невротик (жисмоний ва руҳий заиф-асабнок) тип, сенситив (ҳиссиётчан), ташвишли-педантик, интроверт, қўзғалувчан, намоийшкор ва беқарор типлар ташхис этилди.

Сўровномани тўлдириш ва балларни ҳисоблаш тартиби синалувчилар учун тайёрланган кўрсатмада келтирилган. Йиғилган материалларга асосан, ҳар бир акцентуация типи учун ишончли интервал қуйи чегарасини ўзида акс эттирувчи алоҳида **минимал ташхисий сон (МТС)** аниқланди (6; 24). У қуйидаги формула асосида ҳисобланди:

$$MTC = M - Rn * W$$

Бунда

M – муайян акцентуация типи учун ўртача йиғилган балл;

Rn – жадвал коэффиценти;

W – маълумотлардаги тебраниш.

Минимал ташхисий сон (МТС):

Гипертим тип – 10;

Циклоид тип – 8;

Лабил (ўзгарувчан)тип – 9;

Жисмоний ва руҳий заиф-асабнок тип – 8;

Сензитив (ҳиссиётчан) тип – 8;

Ташвишли – педантик (майдакаш) тип – 9;

Интроверт тип – 9;

Кўзгалувчан тип – 9;
 Намойишкор тип – 9;
 Бекарор тип – 10;
 Назорат шкаласи – 4.

Назорат шкаласи Айзенкнинг болаларга мўлжалланган сўровномасининг худди шундай шкаласига ўхшаш тарзда интерпретацияланди. 4 балли кўрсаткич жиддий кўрсаткич сифатида қаралди. Ушбу шкала бўйича юқори кўрсаткич синалувчиларнинг “Яхши” жавоблар қайтаришга интилаётганини (ўзи ҳақида яхши таассурот қолдирмоқчи бўлаётганини) билдиради. Шунингдек, ёлгон шкаласи бўйича юқори баллар ҳам синалувчининг хулқ-атворидаги намоишкорлик (ўзини кўрсатишга интилиш)нинг мавжудлигидан дарак беради. Шу сабабли назорат шкаласи бўйича 4 баллдан ортиқ балл олинса, намоишкорлик (ўзини кўрсатиш, мақтанишга интилиш) шкаласига ўз-ўзидан 1 балл қўшилади. Агар ёлгон шкаласи 7 баллдан ортса, намоишкорлик шкаласига 2 балл қўшилади. Лекин шунга қарамай, намоишкор тип аниқланмай қолса, у ҳолда тестлаштириш натижаларини ишончсиз деб ҳисоблаш мумкин.

Типларни идентификациялаш қодалари қуйидагилар:

1. Агар МТС фақат битта тип бўйича етарлича ёки мўлжалдан ортиқ сон билан белгиланган бўлса, айнан ушбу тип диагностика қилинади.

2. Агар МТС бир қанча типлар бўйича мўлжалдан ортиқ сон ҳисоби билан белгиланган бўлса, у ҳолда:

а) қуйидаги аралаш типлар уйғунлиги аниқланади:

Г, Ц	Г,Н	Г,Л	
Ц,Л			
Л,А	Л,С	Л,Н	Л,Б
А,С	А,Т!	А,Н	
С,Т!	С, И		
Т!,И			
И,Т	И,Н	И,Б	
Т,Н	Т,Б		
Н, Б			

Модификациялаштирилган патохарактериологик ташхисий сўровнома бўйича бошқа аралаш типларни ўзаро уйғунлашмаган деб эътироф этиш зарур (клиник кузатишда бу ўз исботини топган). Масалан, гипертим ва интроверт тип ёки сенситив ва қўзғалувчан тип кабилар.

б) агар қандайдир тип бўйича бошқа типларга қараганда 4 баллдан кўпроқ балл тўпланган бўлса, ушбу типлар ўзаро уйғун бўлса ҳам, охириги тип диагностика қилинмайди;

в) “ўзаро уйғунлашмаган типлар” ҳолатида қайси тип бўйича балл кўп тўпланган бўлса, шу тип аниқланади.

г) ўзаро уйғунлашмаган типлар муносабатида бир хил баллар тўпланган бўлса, унда улардан биридан воз кечиш учун қуйидаги устувор қоидаларга риоя қилиш лозим (тенглик белгисидан кейинги тип қолдирилади):

$G + L = G$	$A + I = I$	$C + A = A$	$S + T = T$
$G + A = A$	$A + T = T$	$C + C = C$	$S + H = H$
$G + C = G$	$A + B = B$	$C + T \neq T$	$S + B = B$
$G + T \neq T!$		$C + I = I$	
$G + H = I$	$T! + T = T$	$C + T = T$	$L + T \neq T$
$G + T = G$	$T! + H = H$	$C + H = H$	$L + I = I$
	$T! + B = B$	$C + B = B$	$L + T = T$

3. Агар МТС бир қанча типлар бўйича етарли балларга эга бўлса, ёки ҳатто белгиланган миқдордан ҳам ортиқ баллар тўпланган бўлса, 2-қоидага кўра, уларни иккитага келтириб бўлмаса, унда баллари кўпроқ бўлган иккита тип ажратиб олинади, шундан сўнг 2-қоидага асосланилади.

4. Агар назорат шкаласи бўйича 4 баллдан ортиқ балл тўпланса, юкорида таъкидланганидек, намоишкорлик типига 1 балл қўшилади, агар 7 баллдан ортиқ балл тўпланча, унга мувофиқ ҳолда, 2 балл қўшилади, агар шундан сўнг ҳам намоишкор тип диагностика қилинмаса, текширув натижалари ишончсиз деб эътироф этилади, демак, ушбу ўсмирга нисбатан текширув қайтадан ўтказилади.

Бу ёки бош тип бўйича МТСга эришиш ёки ундан ошиб кетиш плюс типларни идентификациялашнинг тақдим этилган қоидалари ташхиснинг $P > 0,95$ дан кам бўлмаган аниқлигини кафолатлайди.

МПТС тести ташхисий тартиби намунаси

Азизов В., 9-Б синф.

															MTC
Г	<u>1</u>	12	23	<u>34</u>	<u>45</u>	56	<u>67</u>	<u>78</u>	<u>89</u>	<u>100</u>	<u>111</u>	<u>122</u>	<u>133</u>	10	
Ц	<u>2</u>	13	24	35	<u>46</u>	<u>57</u>	68	79	<u>90</u>	101	<u>112</u>	<u>123</u>	134	8	
Л	3	<u>14</u>	<u>25</u>	36	47	58	69	<u>80</u>	91	102	113	124	135	9	
А	4	15	<u>26</u>	<u>37</u>	48	59	<u>70</u>	81	92	103	114	125	136	8	
С	5	16	27	38	<u>49</u>	60	71	82	93	104	<u>115</u>	126	137	8	
Т!	<u>6</u>	<u>17</u>	<u>28</u>	<u>39</u>	<u>50</u>	61	<u>72</u>	83	<u>94</u>	105	<u>116</u>	<u>127</u>	<u>138</u>	9	
И	7	18	<u>29</u>	<u>40</u>	<u>51</u>	<u>62</u>	<u>73</u>	<u>84</u>	95	106	117	128	<u>139</u>	9	
Т	8	19	<u>30</u>	41	<u>52</u>	63	74	85	<u>96</u>	<u>107</u>	118	129	140	9	
Н	9	20	31	42	<u>53</u>	64	75	86	<u>97</u>	108	119	130	141	9	
Б	10	<u>21</u>	32	<u>43</u>	<u>54</u>	<u>65</u>	76	<u>87</u>	98	<u>109</u>	120	<u>131</u>	142	10	
К	11	22	33	44	<u>55</u>	66	77	88	99	110	121	132	143	4	

Ушбу намунага кўра, МТС икки тип бўйича ортиқ натижаларни кайд этган:

Гипертим тип – 10;

Ташвишли-(педантик)майдакаш тип(Т!) – 10. 2а қоидага кўра, гипертим ва ташвишли- (педантик) майдакаш типлар ўзаро уйғун ҳисобланмайди. 2в ва 2г қоидаларга кўра, ташвишли-(педантик)майдакаш тип ташхисланади, ўсмирнинг ўзига гипертимга хос жиҳатларни тақаб олганлиги у томонидан қўлланилган гиперкомпенсация (заифлик бўлсада, ўзидаги заифликни яшириш учун ўзини бошқача кўрсатиш) ёки психологик ҳимоя, ёки ҳар иккаласининг уйғунлашиб кетиши сифатида қабул қилиниши лозим.

Тест натижалари асосида ўқувчилар билан ишлаш

Кўриладиган тадбирлар ва айниқса характер хусусиятлари ҳақидаги тадқиқот натижалари текширилувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Шу сабабли тадқиқот олиб бораётган мутахассис (мактаб психологи, педагог) уларнинг тадқиқот натижалари билан танишишига

шароит яратиб беришлари, ўсмирларни қўллаб-қувватлашлари, индивидуал маслаҳат беришлари лозим.

Тест натижаларига кўра болалар билан ишлашнинг қуйидаги дастурини тавсия этамиз:

1. *Ҳар бир текшилувчига унинг таъхиси натижаларини маълум қилиши.* Агар тестлаштириш гуруҳли шаклда амалга оширилган бўлса, уни кичик карточкалар орқали амалга ошириш мумкин, масалан:

«Салимов И.Д., 8-Б синф:

Гипертим-намоийшкор тип».

Таъхис карточкаси (унда ўсмир характерида акцентуациянинг қайд этилмагани маълум қилинган бўлиши ҳам мумкин) ҳар бир ўқувчининг ўзига топширилади.

2. *Гуруҳли ва индивидуал маслаҳат бериши.*

Таъхис билан танишса-да, ўқувчи бунга эътибор бермаслиги ҳам мумкин, шу сабабли тадқиқот олиб бораётган мутахассис муайян шаклда (синф билан суҳбат ўтказиб, факультатив ёки тўғарак машғулотлари тарзида) ҳар бир типга хос хусусиятлар тавсифномасини ўқувчига тушунтириб, унда характер акцентуацияси ҳақидаги тушунчани шакллантириши зарур. Бундай маълумотлар ўқувчи учун жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки у ўз “Мен”ини таҳлил этиш асосида характер хусусияти сифатларини қанчалик кўп ажрата олса, мазкур сифатларнинг мураккаблик ва умумлашганлик даражаси орта борган сари, унинг ўз-ўзини англаш даражаси шунча кучаяди.

Гуруҳли маслаҳатлардан сўнг аксарият ўсмирлар психолог хузурига индивидуал тарзда киришни исташлари табиий. Суҳбат асносида ўқувчи ўз характери ҳақида сўзлашишни, ўзлигини такомиллаштириш бўйича тавсиялар олишни истади.

Кўпинча ўсмирлар психолог хузурига ўзларининг мураккаб руҳий муаммолари билан ташриф буюрар эканлар, улар устида кунт билан ишлашга ҳаракат қиладилар. Хулоса қилиш керакки, ўсмирнинг ўз-ўзини такомиллаштиришига кўмаклашиш учун у билан узлуксиз коррекция ишларини олиб бориш зарур.

3. Психолог олинган натижаларга асосланиб, аввало ўсмир манфаатларини кўзлаган ҳолда, пухта ўйлаб, унинг характеридаги нуқсонлар устида ишлаш бўйича тузилган коррекция режасига кўра,

хушмуомалалик билан ўсмир тарбияси учун бевосита масъул шахслар, хусусан, синф раҳбари, ота-оналари, педагоглар ва мактаб маъмуриятига тегишли тавсиялар беради.

Қўйилган саволларга жавобларни таҳлил этиш билан психолог боланинг яқин атрофини ўраб турган кишилар гуруҳлари ичида унинг учун энг нуфузлилари қайсилари эканлигини, бола кимларнинг маслаҳатларига кулоқ солиши, кимлардан кўмак сўраши, кимга ишониши, кимга ўхшашни хоҳлашини билиб оладилар.

Бундан ташқари интизомсиз ўсмирларни ташхис этишда лойиҳалаштирилган тестларни тавсия этиш мумкин. Улар ўзига хос афзаллик жиҳатларига эга бўлиб, болалар уни тадқиқот эканлигини англамайдилар ва ўйин сифатида қабул қиладилар, шу сабабдан уларнинг самараси юқори бўлади, натижада у психологга бола тўкнаш келаётган муаммоларнинг асл сабабини аниқлаш имконини беради. Вербал методикаларни қўллаб бундай натижага эришиш анча қийин кечади. Руҳий ҳолатни аниқловчи расмлар (уй, дарахт, инсон, оила расми, мавжуд бўлмаган ҳайвонлар расмларини чиздириш) кўмагида бола шахсини ташхислаш ҳам у ҳақида кўпгина маълумотларни аниқлаш имконини беради. Аммо уни қўллаш учун психологнинг ўзи назарий ва амалий тажрибага эга бўлиши зарур. Тарбияси оғир болалар билан психологик ташхис, коррекцион-ривожлантирувчи ишларни ўтказишда ҳамда тегишли психологик механизмларнинг шаклланиши ва оптимал ишлашига эришишда аввало учта асосий вазифани ҳал этишга тўғри келади:

1) ўқувчиларга ўзлари учун оғир бўлган вазиятларни англаб олишга кўмаклашиш;

2) болаларни оғир вазиятларни таҳлил қилишга одатлантириш;

3) бундай оғир вазиятларда ўзини тутиш алгоритминини ўргатиш.

Биз ҳулқ-атвордаги оғиш тавсифини аниқлашда қуйидаги ташхис варақасидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Педагогик қаровсиз болаларга қийосланганда ижтимоий қаровсиз ўқувчилар, аввало касбий йўналиш, мақсад ва ниятлар, шунингдек, фойдали қизиқишлар, билим ва малакаларнинг нисбатан қуйи даражада бўлиши, жамоа тартиблари ва педагогик талабларга кўпроқ

қаршилиқ кўрсатиши, жамоанинг ҳаётӣй меъёрлари билан ҳисоблашишни истамаслик, ўзи ва бошқаларни баҳолашни билмаслик кабиларга кўра тавсифланади.

Педагогик ва ижтимоӣй қаровсизлик ҳолатларини аниқлашга кўмаклашувчи муҳим ташхисӣй белгилар билан бирга уларга ўхшаш, бирмунча фарқланувчи белгилар (ўқув фаолиятига муносабат, ноижтимоӣй хулқ-атвор кўринишлари, сархуш ичимликлар истеъмоқ қилиш, чекиш кабилар)га ҳам этибор қаратиш лозим. Бундай белгилар “огоҳлантирувчи ишора” бўлиб, улар негизида “тарбияси қийин ўсмир” стереотипи шаклланади. Умумий салбий хусусиятларнинг мавжуд бўлиши ўқитувчига педагогик қаровсиз ўқувчининг ижобӣй фазилатлари (меҳнатсеварлик, касб эгаллашга интилиш кабилар)ни пайқаб олишга ҳалал беради. Ўқувчининг бундай фазилатларига таяниб, у билан олиб бориладиган тарбиявий ишларда ютуқларга эришиш мумкин.

Ижтимоӣй қаровсизликда зарур ижтимоӣй-психологик тузатиш ишлари амалга оширилмаса жиноятчилик йўлига ўтишнинг шаклланиши ва мустаҳкамланишига олиб келади.

Ота-оналар ва ўқитувчиларнинг тарбияси оғир болага таъсир кўрсата олмаслигининг сабаби шундаки, бола ичдан уларни эътироф этмайди. У ота-онаси ва ўқитувчисининг айтганларини ё қилмайди, ёки юзаки бажаради. С.Л.Рубинштейннинг таъкидлашича, бизнинг талабларимиз тарбияланувчи шахснинг эҳтиёж ва қизиқишларига алоқадор бўлмаса, унда фақат исёнкор туйғулар ва хатти-ҳаракатларни вужудга келтиради, ҳолос.

Ташқи сабаблар фақат ички асосга эга бўлса, субъектнинг руҳӣй ҳолати, фикрлари ва ҳиссиётлари билан боғлансагина, у тарбияланувчига таъсир кўрсата олади. Боланинг ўз-ўзини ўзгартиришга бўлган хоҳиш-истаги унинг девиант хулқ-атворини бартараф этишнинг зарур шарт-шароити ҳисобланади. Бу мақсадга қаратилган, позитив, субъектив характер касб этувчи шарт-шароитдир. Ўз-ўзини англаш – инсон сифатида ўзлигини англаш, ўз-ўзини идора этиш, хулқ-атворини бошқаришнинг энг муҳим шарт-шароитини таъминлаб беради.

Ўз-ўзига баҳо бериш ўзликни англаш тузилмасидаги энг муҳим компонентдир, предметли фаолият, унинг натижалари, хулқ-атвор, аклий ва жисмоний сифатлар, лаёқатлар, характер қирралари – шахснинг умумлашма “Мен”и кабиларни объектлар таркибига киритиш мумкин. Ўз-ўзини баҳолашнинг ниҳоятда муҳим параметри – унинг адекватлигидир.

Ўқувчилар билан психокоррекция ишларни ўтказишдан мақсад – ижтимоий меъёрларни шахсий меъёрларга ўтишини таъминлаш, шахсда масъулият, ўз-ўзига талабчанлик, ўзи ва ўзгаларнинг хулқ-атворини адекват баҳолаш сифатларини тарбиялашдир. Ўсмир билан тарбиявий ишларни бошлар экан, психолог улар билан мулоқотда ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланиш зарурлигини билиши ва улар билан муносабатда шунга риоя қилиши лозим. Ўсмирнинг ишониб айтган гапларини сир тутиши, ошкор қилмаслиги зарур. Фақат ўқувчининг ўзи шунга розилик берганида ёки шу ҳақида илтимос қилгандагина, ота-онаси ва педагоглар билан унинг безовталанишига сабаб бўлаётган муаммолари ҳақида суҳбатлашиш мумкин. Ҳатто тасодифан бўлса-да, у сир тутаётган нарсанинг ошкор қилиниши ўзаро ишончнинг йўқолишига, болага жиддий рухий жароҳат етказилиб, тасаввур этиб бўлмас даражадаги оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бетгачопарлиги ва иродасининг бўшлиги сабаб ўсмир баъзан ўзини ўзи ёмон кўриб, ўта фаоллик билан ўз-ўзини ўзгартиришга, характерини яхшилашга интилади. Шу сабабдан психологнинг асосий вазифаси ўсмирга унинг асосий муаммосини кўрсатиб, унинг механизмини тушунтириб бериш ҳамда ўсмир ва унинг атрофидаги яқин кишилари билан ҳамфикр ҳолда, мақсадга эришишнинг йўналишини аниқлашдан иборат.

Психологик коррекция методлари бола билан яқин муносабатда бўлиш орқали танланиши зарур. Ўсмир билан олиб бориладиган психокоррекция ишларида ички рағбат ва қизиқишларга асосланиб, унда ижобий (қувонч, интилиш) ҳис-ғуйғулар уйғотувчи фаолият турини белгилашнинг аҳамияти катта. Муҳими, ушбу фаолият тури ўсмир билан унинг хулқ-атворидаги муаммоларни боғламаслик

лозим. Бунда ижобий мотивацияларни уйғотиш орқали керакли ва исталган ўзгаришларни амалга оширишга эришилади. Масалан, психолог тарбияланувчи билан қуйидаги тартибда суҳбат ўтказиши мумкин:

Психолог: Қандай машғулот билан шуғулланишни ёқтирасан?

– **Бола (ўсмир):** Менга балиқ овлаш жуда ёқади.

– Балиқ тутаётганингда ўзингни анча хотиржам ҳис қиласанми?

– Ҳа, бундай пайтда ҳеч ким билан жанжаллашиб ўтирмайман.

– Ҳозир ўзингни балиқ овида ўтиргандек ҳис қила оласанми?

– Ҳа.

– Мана энди ўзингни хотиржам тутиб, ота-онанг билан қандай гаплашганингни ёдга ол.

– Ҳа... Мен деярли ғазабланмаяпман.

– Яна бир марта ота-онанг билан суҳбатлаш ва балиқ овини биргаликда ёдга ол.

– Ҳа, умуман жаҳлим чиқмаяпти. Балки уларга бекорга жаҳл қилгандирман?

– Эҳтимол.

• Албатта, бирданига бунга эришмассан-ку, лекин мана шу машқни эслаб қолиб, ота-онанг ёки ўқитувчинг билан суҳбатлашаётганингда ўзингни балиқ овида ўтиргандек тасаввур қилсанг, анча хотиржам тортиб, улар билан жаҳл қилмай суҳбатлашишинг мумкин.

Умуман, ахлоқий меъёрга кўра “хатарли гуруҳ”га мансуб ўсмирлар билан ишлашда гуруҳли психологик коррекция методлари ва ролли ўйинлардан самарали фойдаланиш мумкин.

Бу уларга ўз хулқ-атворини ташқаридан, ўзга кишининг нигоҳи билан, яъни холис кузатиш имконини беради. Бундан ташқари, ролли ўйинлар уларда оғир вазиятлардан чикиб кетиш малакаларини таркиб топтиради.

Бундай ўсмирлар гуруҳини шакллантиришда иштирокчиларнинг сони 5-7 нафардан ошмаслигига, иштирокчиларнинг хоҳиш-истагини инобатга олиб, гуруҳ таркиби ўғил ёки қиз болалардан ташкил топиши ёки аралаш бўлишига эътибор қаратиш лозим. Қуйидаги

характер хусусиятларига эга ўсмирларнинг икки нафардан ортигининг бир гуруҳда бўлишига йўл қўймаслик лозим:

- кишилар билан ўзаро мулоқотда қийинчиликни ҳис этувчилар;
- интеллектуал сифатларнинг етарли бўлмаслиги;
- суст ҳаракат фаоллигига эга ўсмирлар.

Яхшиси, бундай гуруҳнинг турли камчиликларга мойил ўсмирлардан ташкил топишига эришиш зарур.

Машғулот вақтида бир ёки бир неча иштирокчилар қандайдир машғулот билан шуғулланишдан бош тортиши ҳам мумкин. Амалиётда бу оддий, одатий вазият ҳисобланади. Бундай иштирокчиларни тинчлантириб, уларга берилган вазифани таҳлил қилиш керак.

Гуруҳ иштирокчиларининг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб, қўлланиладиган методларга айрим компонентлар киритилади. Масалан, ўсмирлар билан ишланганда улардан исмлари, нималарга қизиқиши ва қандай инсон эканлигини 3–4 оғиз гап билан тавсифлаб бериш сўралади. Ўзликни англаш, ҳиссиётлари ҳақида сўзлаб беришга қаратилган машғулотларда учлик таркибида ишлаш машғулотини ҳам қўллаш мумкин. Бунда битта ўсмир гапирса, иккинчиси уни тинглайди, учинчиси буни ташқаридан кузатиб, кейин муайян параметрлар асосида уларнинг мулоқотларини баҳолайди.

Сўнгра гуруҳ иштирокчиларининг эътиборини ҳиссиёт, кечинма ва ҳолатларни тақдим этишнинг фойдаланилмаган захираларига жалб этиш мақсадида новербал коммуникация мезонлари ҳақида ўзаро фикр алмашиналиди. Бунда болаларга қуйидаги машқни бажариш топширилади.

Болаларга аввалдан тайёрланган карточкалар тарқатилади, унда қандайдир аниқ бир нарса-буюмни тасвирлаб бериш топширилади. Одатда, тайёрланишга 5 дақиқа вақт берилади. Сўнг ҳар бир бола ўзи тайёрлаган пантомимани кўрсатиб беради. Иштирокчилар топшириқда берилган нарса ёки буюмни тасвирлаб кўрсатишлари лозим. Масалан: тиши оғриётган беморнинг ҳолати имтиҳон олдидан ташвишланаётган ўқувчи ўртоғидан хафа бўлаётган бола, ғазабланиш ва бошқ. Пантомиманинг қанчалик яхши бажарилгани қуйидаги

схема асосида таҳлил қилинади: иштирокчилар топшириқнинг мазмунини қанчалик тўғри тушуниб олганликлари, пантомимада қўлланилган хатти-ҳаракатларнинг қанчалик ифодаларга бой бўлгани ва ҳ.к.

Ўсмирнинг ижобий тавсифга эга “Мен”ини шакллантиришда рефлексия ва “Мен шундай инсонманки, ...” формуласи асосида ўзининг ижобий сифатлари даражасини билишнинг аҳамияти катта. Бунинг учун, масалан, “Репортер” ўйинидан фойдаланиш мумкин. “Репортер” ўйинида иштирокчилардан бири гуруҳнинг бошқа аъзоларидан муваффақиятли яқун топган бирор ишдаги иштироклари ҳақида байрам телекўрсатуви учун интервью олади. “Ижобий сифатлар бомбардировкаси” номли ўйиндан ҳам худди шундай мақсадда фойдаланилади. Мазкур ўйинда ҳар бир иштирокчига бошқа иштирокчилар навбати билан у ҳақида, унинг қобилиятлари хусусида ижобий фикрларини айтадилар. Бундай машқлар болаларни ўзининг ва бошқа ўртоқларининг фазилатларини билиб олишга, ўз фикрлари билан ўртоқлашишга ҳамда кишиларнинг мақтовларини тўғри қабул қилишга ўргатади.

Буларнинг барчаси ўқувчида эмпатия ва рефлексияни ривожлантиради, ижобий “Мен”ни шакллантиришга кўмаклашади, шу тариқа ўқувчиларда ўз-ўзини ва бошқаларни ҳурматлаш туйғуси уйғонади. Ўз хулқи ва қарор қабул қилиш усуллари таҳлил қилиш малакаларини эгаллаш учун гуруҳда худди гуруҳ иштирокчилари каби муаммоларга тўқнаш келган адабий қаҳрамонлар ҳақида ўзаро фикр алмашинилади, шундай мазмундаги бадиий асар мазмуни бўйича мунозаралар ўтказилади. Мунозарадан олдин иштирокчилардан асар қаҳрамони учраган муаммони ҳал этишнинг бошқа муқобил йўллари ва усуллари билан бир нечтасини, уларнинг оқибатларини айтиб ўтирмай, санаб бериш сўралади. Шундан сўнг кўрсатган йўл ва усуллари билан бир-иккитасини батафсилроқ қилиб сўзлаб бериш, хусусан, муаммони ечиш учун таклиф этилаётган қарор оқибатида адабий қаҳрамон ҳаётида юз бериши мумкин бўлган ижобий ёки салбий ўзгаришлар, атрофидагиларнинг хатти-ҳаракатлари, қаҳрамонга ўтказиладиган босим, буларнинг қаҳрамон

ҳиссиётлари ва характериға қандай таъсир қилиши мумкинлигини батафсилроқ тасвирлаб бериш топширилади. Агар ўзи розилик билдирса, гуруҳ иштирокчиларидан бирортасининг мисолида ҳам мана шундай ретроспектив таҳлилни амалга ошириш мумкин.

Маълумки, гуруҳ хужумига қарши туриш аксарият ўсмирларда руҳан ларзага тушиш ва зўриқишдек нохуш ҳолатларни вужудга келтиради, шу сабабли бошқаларнинг фикри ўзгача бўлганида ҳам ўз фикрини маъқуллай олиш лаёқатини таркиб топтирувчи машқлар муҳим аҳамиятга эга. “Йўқ” дейишни ўрган” ўйини ўсмирда худди шу каби малакаларни таркиб топтириш имконини беради. Масалан, гуруҳда мана бундай вазиятли ўйинни ўйнаб кўриш мумкин: ўйин мазмунига кўра, гуруҳнинг учта иштирокчиси тўртинчи иштирокчини бегона кишилар келадиган кечага таклиф этадилар ва кечада уни қандайдир “ғаройиб совға” кутишини ваъда қиладилар. Лекин тўртинчи иштирокчининг кечага боргиси йўқ, ота-онаси, яқинлари бундай нотаниш кишилар даврасида бўлишини маъқул кўришмайди, қолаверса, ўзи ҳам нотаниш кишилар даврасида ўтадиган кечага боришни истамайди. Демак, у ўртоқларининг таклифини рад этиши зарур. Ушбу вазиятни иштирокчилар таркибини бир неча марта ўзгартириб ўйнаш жараёнида, психолог кўмагида иштирокчилар бу хил таклифларни рад этишда қатъий туриш, бунинг учун жўяли сабаблар кўрсата билиш ҳамда ўзининг бошқа вариантини таклиф қилиш каби схема асосида ҳаракат қилишнинг афзал эканлиги ҳақида ягона хулосага келишлари зарур.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчиларда интизомсиз хулқни келтириб чиқарувчи сабаблар турлича бўлиб, уни ўз вақтида аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўз вақтида бола характеридаги нуқсонлар аниқланиб олинса, муаммо чуқурлашиб кетмайди. Бунинг учун ота-оналарнинг ҳушёрлиги ва муаммога нисбатан саводли ёндашиш, яъни керакли тавсияларни ўқитувчилар, мактаб психологи ва тажрибали ота-оналардан олиш, ҳамкорликда ҳаракат қилиш зарурати пайдо бўлади. Ўз вақтида қўлланилган педагогик-психологик чоратadbирлар ўзининг ижобий самарасини беради.

4. ЁСМИРЛАРДА АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНУВЧАН ХАРАКТЕР ТИПЛАРИ

Алоҳида таъкидланувчи характер – ёсмирлар орасида жуда кенг тарқалган ҳодиса бўлиб, у педагогик тафаккурда акс этмай қолмайди. Бундай акс этиш дастлаб “мураккаб ёш даври” тушунчасида ўз ифодасини топади. Умуман ёсмирларга муайян ноуйғунлик, алоҳида таъкидланувчи хусусиятлар хос бўлиб, ушбу ёш даврининг муҳим ўзига хос жиҳатлари ана шунда.

Ўз-ўзидан маълумки, турли ёсмирларда бундай ноуйғунлик даражаси турлича бўлиши мумкин, энг муҳими, характернинг алоҳида таъкидланувчан типи турли сифат хусусиятларига эга бўлиши жамиятда қабул қилинган ахлоқий меъёрларга турли даражада жавоб бериши мумкин. Ёсмирнинг хулқ-атвори ва мазкур меъёрлар ўртасидаги фаркнинг ўта кучли бўлиши, унинг катталар таъсирига берилмаслиги, у ёки бу тарбиявий таъсирларни доимий равишда қабул қилмаслиги ҳолати кузатилганда, педагогик муҳитда “кийин” ёсмир, унинг “кийин” характери ҳақида сўз юритилади.

Юқоридаги фикрлардан маълум бўладики, ҳар қандай алоҳида таъкидланувчи характерга эга ёсмир “кийин” ёсмир ҳисобланавермайди. Бу тушунча алоҳида таъкидланувчи характер типларининг муайян турларига нисбатан қўлланади. Айнан қандайларига нисбатан қўлланилишини кейинги мулоҳазаларимиздан аниқлаш мумкин. Ҳозирча ёсмирлар орасида кузатиладиган алоҳида таъкидланувчи характер типлари таснифини кўриб чиқамиз.

Унинг тузилишига нисбатан икки хил ёндашув мавжуд. Шартли равишда уларни клиник (руҳий ҳасталик) ва психологик турларга бўлиб оламиз. Бундай ёндашувнинг биринчиси А.Е. Личко ишлаб чиққан типология бўлса, иккинчиси К. Леонгард типологияси асосида татбиқ қилинган. Аслида, ҳар икки типологияда аниқ борлик (инсон социуми)даги айнан бир хил объектлар ажратиб кўрсатилади, лекин уларга бирмунча турлича изоҳ берилади. Буни уларнинг номланишидан ҳам кўриш мумкин:

Алоҳида таъкидланувчан характер типологиялари

А.Е. Личко бўйича:	К.Леонгард бўйича:
Гипертим тип (Г)	Гипертим тип (Г)
Циклоид тип (Ц)	Циклоид тип (Ц)
Лабил (ўзгарувчан) тип (Л)	Лабил (ўзгарувчан) тип (Л)
Астеник-невротик жисмоний ва руҳий заиф-асабнок тип (А)	Астеник-невротик жисмоний ва руҳий заиф-асабнок тип (А)
Сенситив (ҳиссиётчан) тип (С)	Сенситив (ҳиссиётчан) тип (С)
психоастеник(руҳий хаста) тип (П)	Ташвишли- (педантик)майдакаш тип (Т)
Шизоид тип (Ш)	Интроверт тип (И)
Эпилептик тип О)	Таъсирчан(қўзғалувчан)тип (Т)
Истероидтип (И)	Намойишкор тип (Н))
Беқарор тип (Б)	Беқарор тип (Б)

Келтирилган таснифдан кўринадики, К.Леонгард таклиф этган тасниф мактаб амалиётига анча яқин туради. Биз А.Е.Личконинг патохарактериологик диагностик сўровномаси (ПТС)ни модификациялашда айнан унинг ёндашувини асос қилиб олдик [18].

Ўсмирларнинг алоҳида таъкидланувчи (акцентуал) характер типлари шулардан иборат. Унинг таъриф-тавсифи билан танишгач, педагог ўз тарбияланувчилари ичидан уларнинг вакилларини бирмунча муваффақият билан ажрата олади. Лекин бу хил идентификация нисбатан узоқ кузатишни талаб қилсада, шунга қарамай, етарлича аниқ бўлмаслиги мумкин. Бундай вазиятда махсус сўровнома методикаси ёрдамига муҳтожлик сезилади. Бундай методикалардан бири ўзгартириладиган (мослаштирилган) сўровномалардир. А.Е.Личко томонидан ишлаб чиқилган **патохарактерологик таъхис сўровномаси** (ПТС)нинг модификациялаштирилган (ўзгартирилган, мослаштирилган) кўринишида ушбу методикани аббревиатура орқали қисқартирилган ҳолда МПТС (модификациялаштирилган патохарактерологик таъхис сўровномаси) деб белгилаймиз. (1-илова)

Ўсмир ўқувчиларда кузатиладиган алоҳида таъкидланувчи характер типларининг қисқача тавсифи

Гипертим тип

Ушбу типга доим яхши кайфиятда юриш хусусияти хос бўлиб, камдан кам ҳолларда атрофдагиларнинг унга қарши қаратилган хатти-ҳаракатлари, хусусан, уни ўз иродасига бўйсиндиришга интилишларига агрессив муносабат билдиради.

Унга юқори даражада мулоқотчанлик, сўзлашиш иштиёқи, жонли маъноли хатти-ҳаракатлар хос. Гипертимлар фаолият, мулоқот, таассурот қолдириш, кўнгилли ишлар билан шуғулланиш иштиёкида юрадилар. Уларда ташкилотчилик қобилиятлари мавжуд бўлиб, шу сабабли аксарият лидерлик хусусиятларини намоён қиладилар. Бундан ташқари, гипертимлар бирмунча ташаббускор ва некбин (оптимист) инсонлардир.

Бир маромдаги бир хил фаолият, ёлғизлик, шафқатсиз тартиб-интизом талаб этилган муҳитдагина улар зиддиятга борадилар. Шу сабабли гипертимлар таассуротларга бой бўлмаган, уларнинг фаолияти талаб этилмайдиган дарсларда ўзларини “ноқулай” ҳис қиладилар. Бундай ҳолда, гипертим ўсмирнинг ўқув фаолиятига нисбатан умумий мотивацияси қанчалик паст бўлса, унинг дарсда ҳулқидаги оғишларни кўрсатмай, ўзини “ушлаб туриши” шунчалик қийин кечади.

Гипертимларни дарсда интизом сақлашига эришиш учун уларни қизиқарли ва эплай биладиган фаолиятга жалб этиш лозим. Агар бу фаолиятга лидерлик (масалан, синф сардори, бригадир, лаборант-киномеханик ва ҳ.к.) сифати хусусиятлари ҳам қўшилиб кетса, янада яхши. Мазкур фаолиятни аниқ бир гипертим ўсмирга нисбатан, унинг интеллекти, лаёқати ва мойилликларини ҳисобга олиб амалга ошириш лозим.

Гипертимлар характерининг ижобий ривожланиши учун уларни назоратсиз қолдириш ярамайди (чунки саргузашт ва таассуротларга ўчлик аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин), лекин қатъий назорат ҳам уларнинг кучли қаршилиқ кўрсатишига, норозилигига

сабаб бўлади. Аини вақтда, улар ўқитувчининг фаол ёрдамчиси, ўсмирлар жамоаси лидери, керакли ва фойдали ишларнинг ташаббускорлари ҳамдир. Улар педагогнинг самимий, ҳурмат билан қилган муносабатига нисбатан ҳозиржавоблик билан муносабатда бўладилар.

Катта ёшлик вақтида гипертимларнинг қизиқиш соҳаси, одатда доимий мулоқот билан боғлиқ бўлган маиший соҳага, фаолиятни ташкил этишга оид ишларга қаратилиб, касби ва иш жойини тез-тез ўзгартириб туришни маъқул кўрадилар.

Циклоид тип

Бундай хулқ типи катта ёшдаги ўсмирлик ва ўспиринлик даврида кўпроқ кузатилади. Унга хос хусусият (бир неча ҳафтадан, то бир неча ойга қадар) даврий равишда ҳаётий тонус ва кайфиятнинг ўзгариб туришидан иборат. Циклоидларда кўзғалиш ҳолати гипертим типдагиларникига ўхшаш кечсада, кайфиятсиз вақтида уларнинг мулоқотчанлик даражаси тушиб кетади, ўсмир камгап ва тушкун кайфиятда бўлади. Зиддиятга камдан-кам борса-да, серғалва (шовкин-суронли) жамоаларга интила бошлайди. Аввалги мароқли изланишлар билан боғлиқ саргузаштларга қизиқиши йўқолади. Олдин дадил ва эпчил бўлган ўсмир ғамгин ва умидсиз, ёлғизликни истаб қолади. Иштаҳаси йўқолиб, кечалари уйқусизликдан кийнала бошлаши, кундуз куни эса жуда кўп ухлаши мумкин. Кичик кўнгилсизликлар, омадсизликларни циклоидлар кўнгилларига жуда яқин оладилар, шу сабабли уларда ишга лаёқатнинг тушиб кетиши кузатилади. Танбеҳ ва таъна-маломатларга нисбатан циклоид ўсмирлар тутаклиб, кўполлик ва жаҳл билан жавоб қайтарадилар, шу билан бирга, юракларининг туб-тубида янада кўпроқ тушкунликка бериладилар.

Ҳаётий стереотиплар (яшаш ва ўқиш жойи ўзгарганда, дўстлари ва яқинларини йўқотганда)нинг дарз кетиши циклоид ўсмирни ўта ранжитиб, иззат-нафсига тегади. Жиддийгина омадсизликлар ва атрофидагиларнинг таъна-маломатлари улардаги

тушкун кайфиятни янада чуқурлаштириб юбориши, ўз жонига қасд қилишга сабаб бўлувчи салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Тушкунликка тушган ўсмирга яқинлари ва педагогларнинг ғамхўрлик ва эътибор кўрсатишлари, уларга ўринсиз меҳрибончилик кўрсатиб, ғашига тегмай, оптимал муносабатда бўлишлари муҳим аҳамиятга эга (хусусан, “Нега мунча кайфиятинг ёмон бўлмаса?” каби саволларни бермаган маъкул). Умуман олганда, бундай вақтда ўсмирга нисбатан қатъий талабларни имкон қадар камайитириш зарур. Ўсмирга ўзи учун қадрли инсонлар ота-онаси, дўсти, сеvimли кишиси билан илиқ мулоқотда бўлиш сув ва ҳаводек зарур. Бундай вазиятларда малакали мактаб психологининг маслаҳатлари катта фойда келтириши мумкин. Чунки ўсмир унга ўз хоҳиши билан юрагини очади, психотерапевтик суҳбатларда ўз рухий зўриқишини бир қадар енгиллаштиришга эришади. Демак, мактаб психологи ўз вақтида ёрдам қўлини чўза олиши учун мактабидаги циклоид ўсмир ўқувчиларни яхши билиши, уларни кузатиб бориши зарур.

Лабил (ўзгарувчан) тип

Ушбу типга хос асосий жиҳат – унинг вакилларида кайфиятнинг тез-тез ўзгариб туришидир. Албатта, бундай хусусият у ёки бу даражада барча ўсмирларга хос хусусият ҳисобланади. Лабил типда бундай хусусият алоҳида кўринишга эга бўлиб, унинг кайфияти бесабаб ва жуда тез ўзгаради. Кимнингдир ёмон гапи, нотаниш суҳбатдошнинг нохуш нигоҳи, узилган тугма каби арзимас баҳоналар лабил тип намоёндасини тушкун кайфиятга солиб, йиғлатиши мумкин. Ва, аксинча, кичик, лекин ёқимли нарсалар (масалан, оддий мақтов) бундай ўсмир кайфиятини сезиларли даражада кўтариб юборади.

Кайфиятнинг тез ўзгариши кечинмаларнинг сезиларли даражада чуқурлашиши билан бирга кечади. Ушбу лаҳзадаги кайфияти унинг ўзини қандай ҳис этиши, иштаҳаси, меҳнатга лаёқати, ёлғизликка ёки сершовқин компанияларга интилиши кабиларга бевосита таъсир қилади. Худди шу каби унинг келажакка муносабати ҳам ўзгариб

туради – у гоҳо некбин, гоҳида тушкун ёки ҳатто хафакон бўлиши мумкин.

Кайфиятининг ўзгарувчанлиги таъсирида у тенгдошлари ва катталар билан тўсатдан зиддиятларга бориб қолиши, қисқа муддатли аффектив тутақишларни бошдан кечириши мумкин, кейин тез пушаймон бўлади ва ярашиш йўлини излаб қолади.

Баъзан ўзгарувчан (лабил) ўсмир енгил фикрлайдигандек кўринса-да, бу тип вакилларининг аксарияти яқинлари, дўстлари ва севганларига жуда фидойи бўладилар. Шу билан бирга, улар самимийлик ва яхшиликка нисбатан ҳозиржавоб, таъсирчан бўлиб, ўзларини тушунган, суяган, яхшилик қилган инсонга муносиб жавоб қайтаришга ҳаракат қиладилар ва худди кунгабоқар куёв нурига интилагандек, уларга интиладилар. Баъзан ўзгарувчан (лабил) ўсмирни ўзига келтириш, яна янги куч-қувватни сингдириш учун қисқа, лекин ишонч уйғотадиган, тетиклаштирадиган, дилбар суҳбатнинг ўзи кифоя қилади. Ўзи ҳақида кўрсатилган ғамхўрликка улар миннатдорлик ва ҳозиржавоблик билан жавоб қайтарадилар.

Бундай ўсмирлар ўзлари учун аҳамиятли кишилар, яқинларини йўқотиш, улардан вақтинча ажралиш кабиларни жуда оғир қабул қиладилар.

Агар педагог лабил (ўзгарувчан) ўсмирга самарали таъсир кўрсатишни истаса, таъна-дашном ва жазолашни эсдан чиқариши, уларни эркалаб, мумкин қадар самимий муносабатда бўлиши керак.

Астено-невротик (жисмоний ва руҳий заиф-асабнок) тип

Астено-невротик (жисмоний ва руҳий заиф-асабнок) типга хос хусусият юқори руҳий ва жисмоний чарчоқ ҳамда сержаҳллик, ўзини касал деб ваҳимага тушиш ва шунинг натижасида асабий умидсизлик ҳолатидир.

Чарчоқ, айниқса, ақлий машғулотлар вақтида намоён бўлади. Оқилона жисмоний юклама унинг кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади, лекин бу жисмоний зўриқишга олиб келмаслиги керак, чунки улар жисмоний зўриқишни кўтара олмайдилар. Масалан, спорт мусобақасига тайёргарлик бундай тип вакилларининг тоқатларини

тоқ қилиб, чидаб бўлмас хафахолликка мубтало қилади. Алоҳида таъкидланувчи лабилликда сержаҳллик аффектив портлаш билан бирга кечиб, бу ҳолат унда тушқунликни келтириб чиқармасادا, чарчоқ ҳолати билан уйғунлашиб кетган жаҳлдорликнинг ўсиб бориши билан бирга кечади.

Тутақишнинг бу хилда йиғилиб қолиши унинг арзимас баҳона билан атрофдагиларга заҳрини сочишига сабаб бўлиб, “қўли қичиб турган”да тасодифан бирор кишига таҳдид қилиб қўл кўтариши ҳам мумкин. Кейин худди шундай осонлик билан пушаймон бўлиб, йиғи-сиғига ўтади. Таъсирчан типдан фарқли ўлароқ астено-невротик тип вакилларида аффект ҳолати секин-аста йиғилиб, давомли ҳолат касб этмай, аффект уларнинг заифлигидан дарак беради. Астено-невротик тип вакилининг жисмоний заифлиги ташқи кўринишидан, рангпар юзидан, ости кўкариб турган кўзларидан ҳам билиниб туради. Айнан мана шу жисмоний заифлик уларда кучли кўзғалишга олиб келади, лекин бир кўтарилганидан кейин у тезда кучини йўқотади. Вазиятда тўғри мўлжал олмай, ҳамиша ўзига ниманидир орттириб юради, партадоши уни туртиб юбориб, беайбгина киёфага кириб олганда, унга жавобан бақириб, бошига китоб билан туширади, барча уни айбдор деб топганида эса, эшик ортига чиқиб йиғлаб ўтиради. Педагог бошқа ўқувчилар дарсни бузиш мақсадида астено-невротик тип вакилининг бундай “заиф”лигидан фойдаланиши, унга тез-тез қитмирлик қилиб туришлари мумкинлигини билиши зарур. Бундай вазиятда “айбсиз айбдор”ни жазолаш бузғунчиларни рағбатлантириш билан баробар бўлади.

Ўзини касал деб ваҳимага тушиб, асабий умидсизлик ҳолатида юришга мойиллик астено-невротикларга хос хусусиятдир. Улар ўз таналаридаги арзимас ўзгаришларни ҳам диққат билан кузатадилар, озгина бетобликни ҳам илғаб оладилар, жон-жон деб даволанадилар, ўрин-кўрпа қилиб, врач текшируви ва назоратида бўлишга интиладилар. Уларни кўпинча юрак ва бош соҳасидаги оғриқлар (табiiйки, психоген характердаги) безовта қилади.

Астено-невротикларда аксарият, суткалик “тетиклик ва озиб-тўзиб кетиш” кузатилади. Астено-невротиклар билан интенсив ўқув

машғулотларини ўтказишда педагог имкон қадар улар учун маъқул бўлган кун ва вақт палласидан фойдаланиши керак – бу иккинчи, учинчи соат, ҳафта боши ва ўртаси, чоракнинг биринчи ярмидир (бундай ўсмирлар учун учинчи чорак, айникса, азобли кечади).

Астено-невротикларга нисбатан педагог сабр-бардошли бўлиши ва уларга ғамхўрлик кўрсатиши керак. Агар умумий чарчаши ва ориклаши фонида юз бераётган бўлса, уларнинг аксарият камчиликлари ва омадсизликларини имкон қадар бекитиши, ва аксинча ютуқларига алоҳида эътибор қаратиши зарур. Астено-невротиклар ким томонидан бўлмасин, ўз шаъниларига айтилган ҳазилларни кўтара олмасликларини ёддан чиқармаган маъқул. Ва, албатта, ушбу ҳолатда астенизацияни келтириб чиқарган жисмоний сабаблар (узок вақт оралиғида хорғинликни ҳис қилиб юриш, сурункали касалликлар ва ҳ.к.)нинг йўқлигига ишонч ҳосил қилиш лозим.

Сенситив (ҳиссиётчан) тип

Бу тип бирмунча кечроқ, 16 – 19 ёшларда шаклланади. Лекин унинг аксарият элементлари, шунингдек, етакчи хусусиятлари ўсмирлик даврида вужудга келади. Бу, аввало, юқори даражада ҳиссиётга берилиш билан ифодаланиб, кейинчалик ўзининг норасо, тўлиқ қийматга эга бўлмаган инсон сифатида ҳис этиш, ўз-ўзидан норозилик билан уйғунлашиб кетади.

Танаффуслардаги шовқин ва жанжаллар, тўдалашиб турган тенгдошлари туфайли мактаб уни кўрқувга солади, лекин бир синфга кўникиб қолгач, бундай ўсмирлар баъзи синфдошлари туфайли доимий равишда азият чекиб юришса-да, бошқа синфга ўтишни асло исташмайди. Бу тип вакиллари тиришқоқлик билан ўқишади, лекин турли текширувлар, назорат ишлари ва имтиҳонлар уларни ваҳимага солади. Кўпинча адашиб кетиб, кулгига қолишдан чўчиганлари сабабли, кўпчилик олдида жавоб беришга уялишади ёки бошқалар уни маҳмадона ёки ўта қунт билан ўқийдиган ўқувчи деб ўйламаслиги учун билганларининг ҳаммасини айтишмайди. Уларда мулоқотчанлик ўртачадан пастроқ даражада бўлиб, “тор доирадаги дўстлар давраси”ни хуш кўришади. Суст позицияда турганлари

сабабли, камдан-кам ҳолларда зиддиятга боришади; аламларини ичларига ютиб юришади, эгоистлик уларга мутлако бегона, ўз манфаатларидан воз кечиб, бошқаларга ғамхўрлик кўрсатиш, ўзгаларнинг ютуқларидан самимий қувониш уларнинг ўзига хос фазилатларидир. Бурч ва жавобгарликни яхши ҳис қилишгани сабабли топшириқларни яхши бажаришга интилишади. Лекин ўта ҳиссиётчан бўлганликлари учун уларда йиғлоқиликка мойиллик кузатилади, бу эса атрофидаги тарбиясиз ва серзарда кишиларнинг уларга тез-тез “ташланиб туриши”га сабаб бўлиши мумкин. Яқинларига худди ёш боладек боғланиб қолишиб, катталарнинг ҳомийлигига сабр-тоқат билан муносабатда бўлишади ва уларга жондиллари билан бўйсунитишади. Шу сабабли уларни кўпинча “рўзғорбоп болакай” деб аташади.

Уларда ўзига ва атрофидагиларга нисбатан юқори даражадаги ахлоқий-маънавий талаблар жуда эрта шаклланади. Тенгдошларининг қўполлиги, раҳмсизлиги, кибр-ҳавоси уларни аксарият ваҳимага солади. Улар ўзларидан ҳам жуда кўп камчиликлар топишади, лекин бу камчиликлар асосан иродасининг бўшлиги билан алоқадор бўлади.

Ўзини том маънода бутун, тўлақонли инсон деб билмаслик ва шу сабабли ўз-ўзидан қоникмаслик ҳиссиётчан ўсмирда алоҳида кўзга ташланиб турувчи гиперкомпенсацияга мойилликни келтириб чиқаради: улар ўзлигини намоён этиш, шахсиятини кўрсатиш учун ўзларини айнан қиймати кам ҳисоблаган фаолият соҳасига уришади. Қизлар ўзларини қувноқ ва мулоқотчан қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишади. Камсуқум ва уятчан ўсмир йигитчалар эса сурбетлик ва такаббурлик билан ўз ҳаётий энергиялари ва иродаларини кўрсатишга интилишади.

Лекин, педагог шундай ўсмир билан ўзаро ишончга асосланган муносабат ўрната олса (лабил ўсмир билан бу хил муносабатга киришиш осонроқ албатта), унинг “бу иш бизга чикора” қабилидаги гаплари ниқоби остида виждон азоби ва ўз-ўзидан ўпкаланиш ётганига ишонч ҳосил қилади. Сенситив ўсмир атрофдагилар билан ўзаро муносабат соҳасида янада кўнгли нозик, гап кўтара олмайдиган инсондир. Улар айниқса кулги ва мазах қилинувчи объект бўлиб

қолишга, адолатсиз тухматга чидай олмайдилар. Бундай муносабат уларда ўткир аффектив реакцияни вужудга келтириб, депрессия ҳолатини келтириб чиқариши, ҳатто ўз жонига қасд қилишга ундаши мумкин.

Ташвишли-майдакаш (педант) тип

Ўсмир ёшида бундай типга хос хусусият, аввало журъатсизлик, мулоҳаза юритишга мойиллик, ташвиш келтирувчи бадгумонликка берилиш, ўз-ўзини таҳлил қилишга нисбатан юқори иштиёқ ва ниҳоят, васвасага берилиш – қўрқув, хавотир, фикр ва тасаввурлар оламида юриш кабиларда намоён бўлади.

Ташвишли-майдакаш (педант) тип вакили бўлган ўсмирнинг қўрқув ва хавотири асосан бўлиши мумкин бўлган, лекин камдан-кам учрайдиган хавфли нарсалар билан тўлиқ дея тасаввур қилган истикболи билан боғлиқ бўлади: у доим ишқилиб қандайдир тузатиб бўлмайдиган дахшатли воқеа юз бермасайди, бирор фалокат ва бахтсизликка учрамасайдим, деб хавотирда юради, янаям қўрқинчлироғи ўзи ниҳоятда кадрлайдиган, деярли патологик даражада боғланиб қолган кишининг бирор тузатиб бўлмас халокатга йўлиқишидан ниҳоятда қўрқади. Шунингдек, у онасининг саломатлиги жойида бўлиб, хавотирга ўрин бўлмасада, унинг бирор бахтсизликка учраб, касал бўлиб, янада дахшатлироғи ўлиб қолишидан жуда қўрқади. Онасининг ишда бир оз ушланиб қолишининг ўзиёқ уни талвасага солади.

Ўсмир келажак ҳақидаги доимий қўрқув ва хавотирдан ҳимояланиш учун ўз-ўзига психологик ҳимоя мақсадида турли маросим ва аломатлар: имо-ишоралар, қарғиш, қандайдир хулқ-атвор комплексини ўйлаб топади (масалан, мактабга борар экан, “жавоб бераётганида тутилиб қолмаслиги учун” барча тешик-туйнуқларни айланиб ўтади ва б.).

Ҳимояланишнинг яна бир шакли “алоҳида ишлаб чиқилган формализм ва майдакашликда” ўз ифодасини топади (“Агар ҳаммаси олдиндан назарда тутилса ва кўп бора текширилса, ҳеч қандай ёмон ҳодиса рўй бермайди”).

Хатти-ҳаракатда журъатсизлик ва мулоҳаза юритишга ўчлик ташвишли-майдакаш (педант) ўсмир табиатида ўта уйғунлашиб кетади. Ҳар қандай мустақил қарор, гарчи у арзимас нарсга тааллуқли бўлса-да (масалан, қандайдир бир фильмни бориб кўриш), узоқ, азобли иккиланишлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Лекин қарорни қабул қилиб бўлгач, ташвишли-майдакаш (педант) тип вакили уни зудлик билан амалга оширишга шошиб қолади, уларни кутишга нисбатан сабр-тоқатлари йўқолиб, бундай вазиятда улар ҳайрон қолдирадиган даражада сабрсиз бўлиб қоладилар.

Журъатсизликларидан тўйиб кетгач, улар кўпинча ўзларига ишонишга ҳаракат қилиб кўришади, шу сабабли айнан мулоҳаза юритиши зарур бўлган вазиятда мулоҳазаларини ҳадеб текширавермасликка ҳаракат қилишади, эҳтиёткорлик ва текшириш зарур бўлган вазиятларда эса аксинча, бўрттириб кўрсатилган ноўрин журъат ва ҳаракатларидаги ножоиз жўшқинлик билан ифодаланадиган гиперкомпенсацияни қўллашга ўтадилар. Бундай ноўрин хатти-ҳаракатлари туфайли муваффақиятсизликка учрагач, журъатсизлик ва шубҳа-гумон қомига янада чуқурроқ ботадилар.

Аксарият ташвишли-майдакаш тип вакили бўлган ўсмирга нисбатан йўл қўйиладиган педагогик хато унга мулоқот ва ташаббускорликни талаб этадиган ишни юклашда кўринади. Бундай вазифалар берилишига сабаб эса агар бу хил ўсмирлар гиперкомпенсацияни қўлламасалар, атрофдагиларда аввало мўмин-маъқул, топширилган ишни жон-дилидан бажарадиган ўқувчи сифатида тасаввур қолдиришидир. Аслида педагог бундай ўсмирга жавобгарлик юқини юкламагани маъқул, чунки бундай топшириқ унда асабий зўриқиш ва субдепрессив симптоматикани келтириб чиқариши мумкин. Лекин тинч, олдиндан вақти белгиланган, ташаббускорликни талаб қилмайдиган ишлар ва кўплаб мулоқот билан боғлиқ бўлмаган фаолият жабҳасида ўсмир ўзини жуда яхши ҳис қилади.

Ташвишли-педантик тип вакили (айрим ҳолларда гиперкомпенсация қўлланмаса) қонун-қоидалар, ҳуқ-атвор меъёрларини бузмайди, чекиш ва ичишга, жинсий эксцесларга

мойиллик билдирмайди, уйдан кочмайди, суициддан узоқ юради. Бу хил хатти-ҳаракатлар унинг сермулоҳазалиги, мияга ўрнашиб қолган тасаввурлари сабабли унинг ҳаётидан сиқиб чиқарилган бўлади.

Бундай тип вакиллари бўлмиш ўсмирлардаги алоҳида таъкидланиб кўрсатиловчи хусусиятларни бартараф қилиш учун педагоглар ва ота-оналарга улар билан ўзаро мулоқотда некбин (оптимистик) усулни қўллаш, жазолаш ва кўркитиш методларидан фойдаланмаслик, кўпроқ улар томонидан кўрсатилган фаоллик ва мустақилликни рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш тавсия этилади. Айниқса, яқинлари ва ўқитувчилари у билан самимий муносабатда бўлишлари лозим. Бундай ўсмирларнинг интизоми ва ўқиши билан боғлиқ вазиятларда вужудга келган тушунмовчиликларни жойида зудлик билан охиригача, албатта, ижобий, истиқболга қаратилган режалар асосида ҳал этиш зарур.

Интроверт тип

Мазкур типга хос асосий жиҳатлар одомовилик, атрофини ўраб турган оламдан четлашиш, мулоқотни истамаслик ёки унга лаёқатсизлик кабилар бўлиб, шунингдек, уларда бир-бирига зид шахсий ва хулқ-атвор хусусиятлари уйғунлашиб кетади – совуққонлик ва мўъжизавий даражадаги нозик ўзгарувчанлик, саркашлик ва мулойимлик, эҳтиёткорлик ва ишонувчанлик, ҳафсаласиз бекорчилик ва тиришқоқлик билан мақсадга интилиш, одамовилик ва кутилмаган, ғавқулодда ёпишқоқлик, уятчанлик ва беандишалик, кимларгадир ўзини ҳаддан зиёд яқин тутиш ва кимларнидир сабабсиз хуш кўрмаслик, оқилона мулоҳаза юритиш ва мантиқсиз саъй-ҳаракатлар, ички оламининг бойлиги ва ташқаридан ўзлигини рангсиз (нурсиз) намоён қилиш кабилар. Шунингдек, бундай тип вакилига нозик интуиция ва ўзаро муносабатда эмпатия етишмайди.

Жинсий камолга етиш палласида юкорида қайд этилган жиҳатлар, айниқса, улардаги одомовилик, тенгдошларидан ўзини четга олиш хусусияти алоҳида ёрқинлик билан кўзга ташланади. Баъзан интроверт тип вакили бўлган ўсмир ўзича ўз оламида яшаб,

бошқа ўсмирлар учун аҳамиятли ва кизикарли бўлган нарсаларга мутлақо кизикмайди, уларга шубҳа билан, ётсираб қарайди, чунки ўзининг одатдан ташқари кизикишлари ва мойилликлари билан банд бўлади. Лекин шунга қарамай, кўпинча, бундай ўсмирлар ўзларининг ёлғизликларидан, мулоқотга лаёқатсизликларидан, дўст топа олмаётганликларидан ўкиниб юришади.

Интуициянинг етишмаслиги ва ўзгаларга қайғудош бўла олмаслик интроверт таъкидланувчи характерли, яъни интроверт акцентуат ўсмирнинг совуққонлигини белгиласа ҳам ажаб эмас. Уларнинг хатти-ҳаракатлари раҳмсизлик бўлиб кўриниши ҳам мумкин, лекин бу аксарият ҳолларда уларнинг бошқаларнинг қайғулари ва изтиробларини ҳис эта олмасликлари билан боғлиқ. Уларнинг нафакат тенгдошларига, балки педагоглар ва ҳатто ота-оналарига ҳам тушунарсиз, ёт-бегонадек туюлишининг асл сабаби ҳам шунда.

Интроверт ўсмирнинг оғир-вазминлиги, ички оламига киришнинг қийинлиги унинг аксарият хатти-ҳаракатларини атрофидагиларнинг тушуна олмаслигига ва ундан бундай хатти-ҳаракатларни кутмаслигига сабаб бўлади, чунки унинг барча хусусиятлари, кечинмалари ва мотивлари барча учун яширинлигича қолади. Уларнинг айрим қилиқлари ҳақиқатан ҳам тентаклик нусхига эга бўлса-да, лекин интроверт ўсмирлар (қуйида сўз юритиладиган намоёйишкор тип вакилларидек) буни бошқаларнинг диққатини тортиш учун қилмайдилар.

Интроверт акцентуатлар учун улар баъзан “уятчанликни енгиш ва мулоқотни осонлаштириш учун” кичик дозада истеъмол қиладиган ичкилик жиддий хавф туғдирувчи манба ҳисобланади. Шунингдек, улар “кайф” деб атайдиган маст қилувчи нарсалар, реал мулоқот ва фаолият ўрнини эгаллаган фантастик хом хаёллар ҳам уларга жиддий хавф солади.

Интроверт акцентуатлар ҳаётида қандайдир машғулотга иштибозлик муҳим ўрин тутиб, кўпинча улар доимий ва нооддий тус олади. Кўпинча бу хил нарсалар интеллектуал-эстетик кизикишлар

билан боғлиқ бўлади (мутолаа, моделлаштириш, конструкциялаш, коллекция йиғиш ва ҳ.к.).

Агар бундай ўсмир ўз ички принциплариغا зид вазиятга тўқнаш келса, у ҳавасни келтирадиган изчиллик ва қатъият билан ўз нуктаи назарини ҳимоя қилади (масалан, таклиф этилган иншо мавзусига рози бўлмай, имтиҳондан чиқиб кетиши мумкин).

Интроверт акцентуатлар катталарнинг ўйламай, қўполлик билан “ўз ички ишларига аралашилари”га, айниқса қаттиқ норозилик билдирадилар. Бундай пайтда тарбияланувчининг қизиқиш ва майлларига самимий муносабат кўрсата билиш зарур. Педагог албатта интроверт акцентуатнинг ички оламига кира олиши лозим. Ташқи оламдан ўзини четга олиш интроверт ўсмирни ижтимоийлаштириш, уларга таъсир кўрсатаётган ахлоқий, маънавий (шунингдек, жинсий) ва бошқа кўрсатмаларни коррекциялашни мураккаблаштиради. Бундай жиҳатлар кўпинча ниҳоятда ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, жамият талабларига жавоб бермаслиги мумкин. Бундан ташқари бундай ўсмирни етакчи гиперпротекция (ҳаддан ортиқ назорат ва ҳомийлик, болани кулоқсизлик қилгани учун шафқатсиз жазолаш кабилар) асосида тарбиялашга ҳаракат қилинса, уларда интровертлик жиҳатлари янада кучаяди.

Таъсирчан (қўзғалувчан) тип

Ушбу тип вакиллариغا хос асосий хусусият дисфория (ғамгинлик ва маъюслик, тез аччиқланиш, ғазабнинг қайнаши, кайфиятнинг ёмон бўлиши, зўрлик ишлатишни исташ)га мойиллик ҳамда шу билан боғлиқ ҳолда салга жиртиллаб, бўғилиб кетиш, аффектив портлашдир. Шунингдек, уларда инстинктив соҳада ҳам зўриқиш кузатилиб, баъзан қизиқиш ва майлларида ҳам меъёрдан оғиш кузатилади. Интеллектуал соҳада, одатда, қайишқоқлик билан секин фикрлаш ва инертлик уларнинг руҳиятига сезиларли таъсир кўрсатади.

Аффектив разрядлар дисфориянинг оқибатида юзага келиши мумкин. Бундай ҳолатда ўсмирларнинг ўзлари жанжалга баҳона қидирадилар. Шунингдек, аффектнинг юзага келишига сабаб

кўзгалувчан ўсмирларнинг тенгдошларини бўйсундиришга интилиши, ён бермаслиги, раҳмсизлиги ва ўзини яхши кўриши кабилар ҳам бўлиши мумкин.

Қаҳру ғазабига арзимас баҳоналар сабаб бўлиб, улар бу хил ўсмирнинг кизиқиш ва эркинлигига озроқ бўлса-да дахл этилишига боғлиқ бўлади. Бу хил аффектнинг қаршиликсиз ўсиб бориши унинг тутиб турилмайдиган қаҳр-ғазабида, хусусан, таҳдид қилиши, ўз манфаати учун жанжал кўтариши, сўкиши ва ҳақоратлаши, шафқатсиз калтаклаши, рақибининг заифлиги ва кўмак талаблигига бефарқ қараши, устун кучларни ҳисобга олишга лаёқатсизлиги кабиларда намоён бўлади. Аффект вақтида унда вегетатив компонентлар аниқ ифодаланади: юзлари оқариб ёки ҳаддан зиёд қизариб кетади, терлайди, юз мушаклари париллаб учади, тупук ажратиш жараёнлари кучайиб кетади.

Таъсирчан (кўзгалувчан) ўсмирларда жинсий майллик жуда эҳтиросли кечади. Севгилиси ёки хуш кўрган кишисини рашк қилиб, ўзича гумон қилиб юрган ёки ҳақиқий рақиблари билан кўпинча жанжал-тўполон қилиб, жиқиллашиб юради. Аффект ҳолатида кучли жинсий майлга бўйсиниб, қисман бўлса-да назорат камайган кеча ёки сайрларда жинсий хатти-ҳаракатларни содир этиши мумкин.

Ўсмирлик даврида таъсирчан (кўзгалувчан) ўқувчиларда ўқув фаолиятига нисбатан кизиқиш ва интилиш сусайиб кетади, бу аксарият ҳолларда уларда баҳога нисбатан норозиликнинг кучайиб кетиши билан боғлиқ ҳолда юз беради. Умуман олганда, ўзига тегишли барча нарсаларга улар кўпинча ўта синчковлик билан ёндашадилар (шу жиҳатдан ўз саломатликларига ҳам, бу уларни “зарарли” кайф берувчи ва маст қилувчи ичимлик ва турли воситалардан ўзини сақлашга мажбур қилади, лекин ичимликларнинг айрим турларига “кайфиятни кўтариш” мақсадида тез-тез ружу қўйишлари ҳам мумкин).

Таъсирчан (кўзгалувчан) ўсмир “яхши баҳо” учун турли йўللار, жумладан, ўқитувчидан ўзи истаган баҳони даъво қилишдан тортиб то у билан қаҳру ғазабини сочиб жиқиллашишга қадар ростмана жангу жадал олиб боради.

Бундай вазиятда педагог, бир томондан, ўсмирнинг яхши баҳо олишга эришиш учун таълимни табақалаштириб ташкил этишдан оқилона фойдаланиши, унинг учун қулай ўқув муҳитини яратишга ҳаракат қилиши, қолаверса, қўяётган баҳоларини очиқ қўнгиллик билан ишонарли далиллар асосида асослаб бериши зарур.

Шунингдек, қўзғалувчан ўсмирнинг ўз характер типига хос хусусиятлар туфайли ҳиссий зарарланганини – на мактабда ва на уйда нафақат зиддиятли ҳолатлар, ҳатто зиддиятолди вазиятларда ҳам бефарқ бўла олмаслиги, ўзини қўлга ола билмаслигини эътиборга олган ҳолда, ўқитувчи у билан бўлган зиддиятларни бўрттириб, қўнглига яқин олмаслиги зарур. Дарсда ўқитувчининг бетоқат, ҳаддан зиёддек туюлган саъй-ҳаракатлари, гапларидаги таъкидлар ва қўпол оҳанглар (таъкидлаш жоизки, булар айнан таъсирчан (қўзғалувчан) ўқувчига қарши қаратилиши ҳам мутлақо шарт эмас) қўзғалувчан ўқувчини аффе́ктив портлаши учун етарли ҳисобланади. Тасирчан (қўзғалувчан) ўсмирнинг қизиқишлари ёки шахсий ютуқ ва хислатларини қўполлик билан камситиб гапириш эса жуда хавфли бўлиб, унинг издан чиқиши учун етарли бўлади.

Лекин, у билан муомалада самимий оҳангни сақлаган ҳолда, дарсда, танаффуслар ва дарсдан ташқари фаолият вақтида унинг хулқ-атворини доимий назоратда сақлаш лозим. Бундай вазиятда педагог таъсирчан (қўзғалувчан) ўсмирнинг ҳокимликка интилишидан ҳимояланган ҳолда (у синфдошларини тўғридан-тўғри эзиш ҳисобига жамоада ҳокимлик қилишга интилади), таъсирчан (қўзғалувчан) ўсмир зуғумкорлигини ўз вақтида олдини олишга ва сўндиришга ҳаракат қилиш лозим.

Таъсирчан (қўзғалувчан) ўсмир хулқ-атворини тўғрилашнинг усулларида бири унинг онгини тафтиш қилиш, яккама-якка индивидуал суҳбат чоғида унинг хулқ-атворини таҳлил қилиш ва баҳолашдир. Бунда, албатта, гап оддийгина “Ҳай, шундай қилиш мумкинми ахир!” тарзидаги огоҳлантириш ҳақида бормаётганини таъкидлаш жоиздир. Ўсмир билан яккама-якка суҳбат баъзан оғзаки, баъзан эса ёзма тарзда кечиб, ўзаро мурасага чақирувчи шартномага ўхшаш бўлиши зарур.

Суҳбат вақтида авваломбор ўсмирнинг диққатини бундай хулқ-атвори билан у ўзи ва яқинларига қандай зарар етказганига қаратиш лозим (агар ҳақиқатан ҳам, унинг аҳамиятли яқин кишиси бўлса). Сўнгра ўсмир муаммоларига чин дилдан қайғудош бўлиб, биргалашиб, ҳамкорликда барча мурасага чақирувчи, яъни ён-атрофидаги бошқа кишиларни ҳам каноатлантириши мумкин бўлган ечимлар ичидан энг маъқулини танлаб олишга уриниб кўриш лозим. Таъсирчан (кўзғалувчан) ўсмирларга хос прагматиклик назарда тутилса, у ҳолда бундай келишув (айнан ҳар икки томон учун маъқул бўладиган ва риоя этиладиган) айнан унга таъсир кўрсата олувчи йўл-йўриқлардан ҳисобланади.

Табииyki, бундай суҳбатни амалга ошириш арафасида ўсмирда оғир дисфория, аффект “қайнаб-тошиб” турмаслиги лозим. Энг муҳими, суҳбат жараёнида ўқувчи фаол ўрин тутиб, ўз туйғулари, кечинмалари, муаммолари ҳақида сўзлашга ўрганиши керак, ҳис-туйғулари ва муаммоларини тўлиқ тушунтира билмаганидан улар зиддиятли вазиятларда ловиллаб, жизиллаб кетадилар.

Суҳбат чоғида педагог ўсмирнинг агрессив реакция билан жавоб қайтармаслиги учун барча педагогик усулларни қўллаши, овоз оҳангида ишонч ва яқинликни сақлаши, уни эркалаб, силаб-сийпаб қўйиши, енгил ҳазилкашликдан фойдаланиши (лекин ўсмирнинг иззат-нафси қойишига ўрин қолдирмаслиги) зарур.

Намоишкор тип

Мазкур типнинг асосий жиҳати: чексиз худбинлик, ўз шахсиятига атрофидагиларни жалб этишга интилиш, эътибор, қайғудошлик ва мақтовга сазовор бўлишга нисбатан тўймас хоҳиш-истакни туйиш кабилардир. Охир-оқибат ҳаттоки атрофидагилар ундан нафратланишса ва тушунишмаса ҳам майли, фақат унга бефарқ қарашмаса, сезилмайдиган одамга айланмаса, бас.

Намоишкор тип вакилларининг ўзига хос хусусиятлари уларнинг ўзи ва ташқи олам ҳақида маълумотларни сайлаб танлаб ола билиш бўйича меъёридан ташқари лаёқатга эгаликларидадир. Ўз жисму тароватини безайдиган ёқимли нарсаларни намоишкор тип

дархол сақлаб, ортиқ даражада кучайтириб олади; нимаики нейтрал тавсифга эга бўлса, устига-устак бу одатига карама-қарши аҳамият касб этса, у ҳолда бу нарсалар намоишкор ўсмирнинг онги ва хотирасидан ўчиб кетади. Шу сабабли унинг деярли энг асосий хусусияти ҳисобланган ихлослилиқ сайлаб-танлаб ола билиш жиҳати билан ажралиб туради – агар ишонч-ихлос шароити унинг шахсиятини марказий ўринга қўйиш билан боғланиб, айнан шу “тегирмонга сув қуймаса”, уни ўша нарса асло қизиқтирмайди.

Ўзи учун бошқалар (оиласи, синфдошлари, касбдошлари) ҳисобидан имкон даражасида қандайдир имтиёз ва имкониятларга эга бўлиш унинг доимий истак-интилишларидан ҳисобланади. Унинг ўзлигини рўёбга чиқариши икки йўналишда татбиқ этилади: биринчидан, ўзига бошқаларнинг диққат-эътибор билан, хуш боқишига имкон қадар кўпроқ эришиш; иккинчидан, агар бунинг уддасидан чиқиб бўлмаса, биринчи усул фойда бермаса, атрофдагиларнинг унга ҳамдард бўлиши ва раҳми келишига эришиш.

Омадсизликка учраган пайтида учинчи йўлдан ҳам самарали фойдаланади. Яъни, эпитаж, ҳадеб муносабатларни аниқлаштиравериш, тартибни бузиш, қисқаси негатив орқали ўзгаларнинг эътиборини қозонишга ҳаракат қилади.

Табиатида намоишкорлик намоён бўлишининг юқорида қайд этилган хусусиятларига яна қўпинча ўз хулқ-атворини ҳаспўшлаш, бақаламунликка ҳаракат қилиш ҳам қўшилиб кетади (муҳит хусусиятларига боғлиқ ҳолда мактаб, уй ва кўчада – ўсмир турли қиёфада, ўз шахсиятини бўяб-бежаб кўрсатадиган, ёлғон-яшиқлар билан намоён бўлиши мумкин).

Ўқишга муносабати ўқув фаолияти намоишкор тип вакилининг етакчи установкасини қай даражада қониктиришига (эътироф этилиш самараси, у ёки бу хил тарзда “ярқираб” кўзга ташланишига) боғлиқ. Агар интеллектуал даражалари юқори бўлса, бундай ўсмирларнинг ўзлаштириши ўқитувчи у билан яхши муносабат ўрната олган, унга алоҳида эътибор қаратадиган фанлар доирасида анча юқори бўлади, ва аксинча, ўқитувчи билан ўзи истагандек мулоқот ўрната олмаган бўлса, ўзлаштириши ёмон,

муаммолар тўлиб-тошиб ётган бўлади (лекин ёмон ўқиётганининг сабабларини у деярли ҳамма вақт ташқи шарт-шароитлар билан боғлаб изоҳлайди).

Агар намоийшкор тип вакили бўлган ўсмир ўқишда айрим сабабларга кўра ажралиб тура олмаса, бундай ҳолда у эътиборни тортишнинг бошқа йўллари, хусусан, ўзини катта олиш, муносабатларни аниқлаштириш, хулқдаги оғишлар кабиларни қўллайди. Шунингдек, бундай вазиятда унинг ўзлаштириш даражаси тушиб кетиб, ўқишга нисбатан бутунлай беҳафсала бўлиб қолади.

Намоийшкор ўсмирлар дарсда ўзларининг маҳмадоналиклари, дарсдан чалғиб ўтиришлари, ҳазиллари билан ўқитувчиларнинг асабига тегадилар. Педагогларнинг бу хил вазиятда куйидаги усулдан фойдаланишлари самарали экани тажрибада тасдиқланган: аввалига педагог намоийшкор ўсмирнинг талабларига эътибор билан ёндашиб, унга юкори даражада диққат қаратади, уни тез-тез мақтаб қўяди, унинг ёнига келади, нигоҳини унга қаратади, дафтарини кўздан кечиради ва ҳ.к. Натижада ўсмир дарҳол ўзини яхши тута бошлайди, унинг ўқув меҳнати самарадорлиги кўтарилади.

Биринчи босқичда ижобий натижалар етарлича мустаҳкамлана бошлагач, ўқитувчи ўсмирга унинг фаолияти ва хулқ-атвори ўзини ҳақиқатан ҳам қониқтирганини кўрсатиб, керакли эътиборни қаратади, бу жараёнда унинг хулқ-атворидаги ижобий силжишларни мустаҳкамлаб боради.

Нихоят, учинчи босқичда, намоийшкор тип вакили ҳисобланган ўсмир хулқида ижобий тенденциялар мустаҳкам тус олгач, ўқитувчи унинг хулқ-атворидаги ижобий сифатларни узлуксиз ривожлантиришга ўтади – ўқувчи ижобий хулқини намоён этганидагина унга эътибор қаратади, шунингдек, ушбу жараёнда алоҳида ўзлаштирилган ижобий хулқ сифатларини янада мустаҳкамлаб боради. Изчиллик билан, тўхтовсиз равишда намоийшкор бўлмаган хулқ хусусиятларини мустаҳкамлаб бориш, намоийшкор хулқни тормозлаш асносида, кейингиси тугатилади, ўсмир ўзидаги алоҳида таъкидланувчи намоийшкорликни енғади.

Намойишкор ўсмир хулқини модификациялаш (ўзгартириш)нинг бошқа методи у билан тизимли равишда атрофидагиларнинг эътиборини жалб этишнинг мустаҳкам усули уларнинг хурмат ва ғамхўрлигига эришиш экани, ижтимоий қимматли, бошқалар учун фойдали фаолиятни эгаллаш зарурлиги ҳақида индивидуал суҳбат ўтказишдир. Педагог шундай фаолиятни ташкил этиши ва унга ўқувчини жалб қилиши лозим. Бу мактаб ва синф миқёсида ўтказиладиган турли тадбирлар, драма тўғараги, танловлар, беллашувлар бўлиб, унда намойишкор ўсмир ҳақиқатан ўзининг адабий ижод ёки актёрликка бўлган лаёқатини кўрсатиб, “ярқираб” кўзга ташланиши мумкин.

Шуни англаб олиш зарурки, намойишкор ўсмир ўзида бирор қизиқарли, фойдали, нуфузли қобилиятни ривожлантира олмас экан, аксарият истиқболда мулоқот қилиш қийин бўлган асабнок, муғомбир, шикоятчи, одамови кишига айланади. Унинг муқобили эса бунга қарама-қарши равишда мутлақо ўзгача, ёқимли – барчанинг сеvimли актёри ёки шунчаки суҳбати ширин ақлли инсон, дўст-дугоналар даврасининг гули бўлади.

Бекарор тип

Мазкур тип вакиллариининг асосий хусусияти – ироданинг патологик бўшлигидир. Уларнинг иродасизлиги жамият, катталар ва яқин кишилари томонидан талаб қилинадиган ўқиш, меҳнат ва бошқаларга тааллуқли топшириқларни бажариш, мақсадга интилишда иродасизликка йўл қўйиш қабиларда аниқ намоён бўлади. Ҳатто ўзларини қизиқтирадиган машғулотларда ҳам улар етарлича тиришқоқлик кўрсата олишмайди, нисбатан фаол ва ташаббускор тенгдошлари қаторида кўпроқ “оқим бўйлаб сузишади”.

Шу сабабли саъй-ҳаракатлари мураккаб мотивлар билан боғлиқ бўлмайди (агар амалга ошириш қийин бўлмаса), кераксиз майллар, фавқулодда хоҳиш-истакларини жиловлай олишмайди.

Иродасизлик билан бирга, уларда бекарор шахслар фаолиятига, уларнинг мақсадга қаратилмаган жиноятларига қизиқиш ва майл билдиришдек салбий одатлари ҳам мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, бекарор тип вакилларининг ижтимоий хулқ-атвори ўзларидан кўра атроф-муҳитга кўпроқ алоқадордир. Бунда уларнинг, бир томондан, ўта таъсирчанлиги ва импульсивлиги, бошқа томондан – юқори иродавий фаолият шаклларига нисбатан хомлиги; мустаҳкам, ижтимоий маъкул топилган ҳаётий андозаларни ишлаб чиқишга лаёқатсизлиги, бунинг оқибати ўлароқ, пала-партишлиги, қийинчиликларни енгиш истагининг йўқлиги, камрок қаршилиқ кўрсатиладиган йўлдан юришни исташи, кераксиз нарсаларни ўз-ўзига маън эта билиш фазилатининг шаклланмаганлиги, салбий таъсирларга мубтало бўлишга мойиллиги кабилардир. Ўсмирда асабий хасталиклар, ичкиликбозлик, нашавандлик каби ёмон одатлар шаклланишининг негизи руҳий (аввало иродавий) бекарорлиги билан боғлиқ кечади.

Унда алоҳида таъкидланувчан бекарорлик биринчи синфда ўқиётган пайтидаёқ яққол кўзга ташланади. Болада умуман ўқишга нисбатан хоҳиш-истак бўлмайдди. Фақат тинимсиз назорат остида, катталарнинг босимига бўйин эгиб, ўзи истамаган ҳолда, уйга берилган вазифаларни бажаради, лекин мунтазам тарзда машғулотлардан бўйин товлайди. Болаликдаги илк хулқ бузилишлари ҳам хиссий-иродавий бўшлиги билан боғлиқ бўлиб, бу ўсмирлик даврида янада кучаяди.

Барча тентакликлар ва ёмон одатлар бу ўсмирни гўё ўзига оҳанрабодек тортади. Уларни енгил-елпи таассурот қолдирувчи, қизиқишларини оний лаззатларга қаратувчи хулқ-атвор моделлари тақлид тимсоли сифатида ўзига жалб этади.

Бундай болалар хулқини тузатиш учун уларнинг хулқи ва фаолияти (аввало ўқув фаолияти) устидан тўлиқ назорат, оқилона ташкил қилинган талаблар тизимини ўрнатиш муҳим аҳамиятга эга. Бу оила ва мактабдаги машғулотларда қўлланадиган назорат тадбирларининг яхлит тизимини ўз ичига олиши зарур (ўқув натижаларини текшириш, катталар билан ҳамкорликда ишлаш, бекарор ўсмирнинг бўш вақтини тўғарак машғулотлари билан тўлдириш кабилар ва б.).

Режимни катъийлаштириш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар уларнинг ҳаёти, эришаётган ютуқлари билан катталар(педагоглар, ота-оналар)нинг самимий қизиқишига бевосита уйғунлашиб кетиши, бу ижобий эмоционал мулоқот вазиятида амалга ошиши жуда катта аҳамиятга эга. Гарчи беқарор ўсмирлар билан бунга амалга ошириш анча қийин кечса-да, унда ўз шахсига, шахсий ижобий сифатларига, истикболига нисбатан ҳурмат ва интилишни уйғотиш жуда зарур. Бундай шароитда (таъкидлаш жоизки, бунга беқарор ўсмирлар осонгина кўнадилар) ўсмир узоқ вақтгача хулқ ва қонун меъёрларини бузмай, бирмунча яхши ўқийди. Лекин назорат озроқ бўшашса, беқарор ўсмир “ўзига мос компания”га интилиб қолади. Беқарор ўсмир учун ҳаётий вазиятларнинг назоратсизликка ўтиши, байрамлар ва дангасаликка ружу қўйишга йўл очадиган бекорчилик ҳолати, айниқса хавфлидир.

ХУЛОСА

Барча замонларда ва ҳар қандай жамиятда таълим ва тарбия чамбарчас узвий боғлиқ бўлган, яъни бу жараёнга айри ҳолда қаралмаган. Шу тариқа тарбиянинг турли кўринишлари шаклланиб, унда муайян жамиятнинг, миллатнинг ўзига хосликлари, асрлар давомида шаклланган педагогик кадриятлари, таълимий ва тарбиявий анъаналари янги авлод тарбиясида асос қилиб олинган. Бирок бугунги кунда дунё ҳамжамятидаги интеграциялашув жараёнлари, шунингдек, глобаллашув тенденциялари таълим ва тарбия борасидаги “миллий чегара”ларни нисбий тушунчага айлантириб юбормоқда. Бу, ўз навбатида, жамият аъзоларига, айниқса, ўта фаол ва ҳар хил таъсирларга берилувчи ўсмир ёшидаги ўқувчиларга ўзининг ҳам ижобий, ҳам салбий таъсирини ўтказмоқда. Салбий таъсирлар, биринчи галда ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатларида ўз инъикосини топмоқда. Натижада ўсмир ёшидаги ўқувчиларда салбий ҳолат сифатида турли кўринишдаги интизомсизликлар кузатилмоқда. Интизомлиликни баркамол шахс тарбиясининг энг муҳим омили сифатида қараб, уни ҳар бир ўқувчи учун зарурий шахсий кадрият сифатида эътироф этиш жоиз.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, интеграциялашув ва глобаллашув натижаларида интизомсиз ва гиперфаол ўқувчиларнинг сони кўпайиш ҳолатлари юзага келмоқда. Шунинг учун ҳам мактаб таълими амалиётида кузатилаётган интизомсизликнинг олдини олиш, уни келтириб чиқарувчи омилларни вақтида аниқлаш учун педагогика ва психология фанлари соҳасида мазкур муаммо юзасидан олиб борилаётган тадқиқотларнинг илмий хулосаларидан фойдаланишнинг самарадор педагогик механизмларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Мазкур тадқиқот доирасида ўсмир ёшидаги ўқувчиларда кузатиладиган интизомсизликни вужудга келтирувчи сабаблар, уларни чуқурлашиб кетишига имконият яратиб берувчи омиллар, уларнинг белгилари ва шакллари аниқлашга оид мақсадли ишлар амалга оширилди. Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики,

бу муаммо халқаро миқёсда узоқ йиллардан буён турли мамлакатларда, турли фанлар – педагогика, психология, хусусий методика, социология, фалсафа соҳаларининг вакиллари томонидан ўрганилиб келинади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактабларида таълим олаётган ўсмир ёшидаги болаларда учрайдиган интизомсизлик оқибатларини бартараф этишда ҳам халқаро, ҳам миллий миқёсдаги тадқиқот натижаларидан оптимал-синтетик тарзда фойдаланиш лозим.

Тадқиқотларимиз натижасида аён бўлдики, ўсмир ёшидаги ўқувчиларда интизомсизлик келиб чиқишига таъсир этувчи омилларни объектив ва субъектив, яъни ижтимоий ва мантикий турларга ажратиш мумкин. Айти пайтда таъкидлаш жоизки, улар мазмун жиҳатидан бир-биридан фарклансада, аслида улар бири-бирини тўлдирувчи омиллар ҳисобланади, қайсики бирини юзага келишига иккинчиси бевосита таъсир ўтказади. Шунинг учун ўсмирларда интизомсизликни келтириб чиқарувчи ҳам объектив, ҳам субъектив сабабларни диагностика қилиш, уларга қарши узвий алоқадорликдаги педагогик ва психологик таъсир чораларини кўриш талаб этилади.

Мактаб ўқувчиларида интизомсизликни келтириб чиқрувчи иккинчи гуруҳ омиллари ичида оила ва мактаб омиллари алоҳида эътиборга молик масалалар сирасига киради. Зеро, тарбиявий тадбирларни фақат бир “фронт”да, яъни оилада ёки мактабда олиб бориш кутилган самарани бермайди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, шубҳасиз, оила омили бу борада етакчи ҳисобланади. Чунки мактаб педагогик жамоаси профессионал компетенциявий ёндашув асосида тарбиявий таъсир чораларини кўрса-да, оилада унга монанд муносабат, фаолият бўлмаса ижобий самарага эришиб бўлмайди. Агар оилада турли сабабларга кўра (масалан, оиладаги носоғлом муҳит, ота-оналарнинг педагогик билимларининг пастлиги, бошқа ижтимоий сабаблар) тарбия тўғри йўлга қўйилмаса, “қуш уясида кўрганини қилади” қабилда тарбиявий жараён бир томонлама самарасиз тарзда кечаверади.

Айрим ҳолларда бунинг акси ҳам кузатилади: оилавий муҳит болани ҳар томонлама етук, билимли, интизомли қилиб тарбиялаш учун лозим бўлган шароитни яратган бир вақтда мактаб педагогик жамоасининг, муайян синфнинг, синф ичидаги айрим гуруҳларнинг муносабатларидаги зиддиятли ҳолатлар интизомсизликни келиб чиқишига сабаб бўлади. Бунинг сабаблари ҳар хил бўлиши мумкин: ўқитувчининг уқувсизлиги, профессионал компетенцияси талаб даражасида бўлмаганлиги учун ўқувчи томонидан ўқув материалларини ўзи истаган даражада ўзлаштира олмаслиги, ўқувчиларга нисбатан симпатия ва антипатия муносабатлари охир оқибат интизомсизликни келтириб чиқаради.

Демак, ўсмир ёшидаги ўқувчиларда кузатиладиган ҳамда ўқув материални сифатли ўзлаштиришга монелик қиладиган сабаб ва омилларни ўз вақтида аниқлаш, унинг мазмуни ва шакллари ташхис қилиш ва таснифлаш, уларни баҳолаш натижасида унга қарши педагогик чора-тадбирларни қўллаш орқали бу жараёнга мақсадга мувофиқ тарзда ёндашиш мумкин. Бу борада мактаб педагогик жамоаси, айниқса мактаб психологи ота-оналар билан узвий алоқадорликда фаолият кўратмоғи, бу фаолиятнинг негизида ташхис методи устувор тарзда қўлланиши лозим.

МПТС бўйича текширилувчилар учун кўрсатмалар

Болалар, сизларнинг барчангиз ўз характерингизга хос хусусиятларни, унинг нисбатан ёрқин, аниқ жиҳатларини билишни истайсиз. Ўз характерини билиш ўз-ўзини бошқариш имконини беради: кишилар билан яхши мулоқотга кириша оласиз, бу Сизга касб-хунар соҳаларининг муайян доирасига нисбатан йўналишга эга бўлиш имконини беради. Чунки **характер – шахснинг асосий қирраси, унинг негизидир.**

Ушбу тест Сизга ўз характер типингизни, унинг хусусиятларини аниқлаш имконини беради.

Сизга *Саволлар* ва *Жавоблар* варақалари такдим этилади. Жавоблар варақасидаги тасдиқловчи саволларни ўқиб, бу Сизнинг характерингизга хосми ёки йўқми – шу ҳақда ўйлаб кўринг. Агар шундай бўлса, унда Жавоблар варақасидаги ушбу рақам белгисини айлана билан белгилаб қўйинг, агар хос бўлмаса, ушбу рақамга ҳеч қандай белги қўйманг.

Танлов жараёнига қанчалик тўғри ва самимий ёндашсангиз, ўз характерингизни шунчалик аниқ билиб оласиз.

Жавоблар варақасини тўлдириб бўлганингиздан сўнг, ҳар бир қатор бўйича қанча балл тўплаганингизни ҳисоблаб кўринг (доира ичига олинган рақам – бир балл йиғганингизни билдиради). Ушбу ҳисоб рақамларини ҳар бир қаторнинг охирига қўйинг.

Саволлар

1. Болалигимда мен қувноқ ва шўх бўлганман.
2. Бошланғич синфда мен мактабни яхши кўрар эдим, кейинчалик у менга оғир туюла бошлади.
3. Болалигимда ҳам мен худди ҳозиргидек эдим: мени хафа қилиш ҳам, қувонтириш ҳам, тинчлантириш ҳам осон эди.
4. Мен кўпинча ўзимни ёмон ҳис қиламан.
5. Болалигимда мен аразчи ва ҳиссиётчан бўлганман.
6. Мен кўпинча онамга бирор нарса бўлмасайди деб хавотир

бўлиб юраман.

7. Ёлғиз қолганимда кайфиятим анча яхшиланади.

8. Болалигимда мен инжиқ ва тез аччиқланадиган бола эдим.

9. Болалигимда катталар билан суҳбатлашишни ва улар билан ўйнашни яхши кўрардим.

10. Ҳеч нарсага карамасдан, бугунги кунни яхши ўтказиш мумкин деб ҳисоблайман.

11. Ҳеч бир шахсий манфаатни кўзламай, ўз ваъдамнинг устидан чиқаман.

12. Доимгидек, кайфиятим ҳамиша яхши.

13. Ҳафталаб яхши кайфиятда юрганимдан сўнг ҳафталаб ёмон кайфиятда юраман.

14. Мен осонгина қувноқликдан маъюсликка ёки аксинча, маъюсликдан қувноқликка ўтишим мумкин.

15. Кўпинча ланж бўлиб, мазам қочиб юради.

16. Спиртли ичимликларни жиним суймайди.

17. Ёмон кайфиятда бўлишим ва бошим оғриши сабабли спиртли ичимликлар истеъмол қилишдан қочаман.

18. Ота-онам мени тушунишмайди ва баъзан менга бегонадек туюлишади.

19. Бегона кишилардан чўчийман ва улар менга ёмонлик қилади деб хавфсирайман.

20. Мен ўзимда катта камчиликлар бор деб ўйламайман.

21. Ваъзхонликлардан узокрокка қочиб кетгим келади ёки уни эшита туриб бошқа нарсаларни ўйлайман.

22. Менинг барча одатларим яхши бўлиб, хоҳиш-истагим билан боғлиқ.

23. Арзимаган сабаблар вазидан кайфиятим ўзгариб қолмайди.

24. Мен кўпинча уйқудан туришим билан бугун нималарни қилишим кераклигини ўйлайман.

25. Мен ота-онамни жуда яхши кўраман, уларга жуда боғланиб қолганман, лекин улардан хафа бўлган, ҳатто жанжаллашиб қолган пайтларим ҳам бўлиб туради.

26. Баъзан бир неча кунлаб ўзимни тетик, ёки чарчагандек ҳис

қиламан.

27. Кўпинча бегона кишилар олдида овқатланишдан ийманаман.

28. Менинг келажакка муносабатим тез-тез ўзгариб туради: баъзан қувончли режалар тузсам, баъзан келажак менга тундек кўринади.

29. Мен якка қолганимда қандайдир қизиқарли нарсалар билан шуғулланишни ётираман.

30. Бегона одам менда ёқимли таассурот қолдирган ҳолатлар деярли бўлмаган.

31. Диққатни тортадиган одатдан ташқари модадаги кийимларни кийишни яхши кўраман.

32. Тўйиб овқатланиш ва яхши дам олиш менга кўпроқ ёқади.

33. Мен жуда оғир-вазминман, ҳеч кимдан аччиқланмайман ва ҳеч қачон тутақиб кетмайман.

34. Ҳар қандай вазиятда кишилар билан тез тил топишиб кетаман.

35. Очликни кўтара олмайман – тез чарчаб қоламан.

36. Агар ёқимсиз ҳолатлар билан боғлиқ бўлмаса, ёлғизликни енгил ўтказаман.

37. Мен кўпинча ёмон, нотинч тушлар кўраман.

38. Тортинчоқлигим туфайли ўзим истаган одамлар билан дўстлаша олмайман.

39. Мени келажакда бўлиши мумкин бўлган ёқимсиз нарсалар хавотирга солади.

40. Омадсизликка учрасам, бошқалардан ёрдам сўраб ўтирмайман.

41. Қоникарсиз баҳолар ва танбеҳлар менга кучли таъсир қилади.

42. Кўпинча янги, нотаниш тенгдошларим орасида, меҳнат ва дам олиш лагерларида ўзимни бир қадар эркин ҳис қиламан.

43. Доимо дарсга тайёрланмай келаман.

44. Мен катталарга доим рост гапираман.

45. Саргузашт ва таваккал қилиш менга ёқади.

46. Таниш кишиларга тез ўрганаман, нотаниш кишилар эса аччиғимни қўзғайдилар.

47. Менинг кайфиятим уй ва мактаб ишлари билан боғлиқ.

48. Кун охирига бориб чарчаб қоламан, худди умуман кучим қолмагандек бўлади.

49. Мен нотаниш кишилардан уяламан ва биринчи бўлиб улар билан мулоқотга киришишдан қўрқаман.

50. Ишимда хато қилиб қўймадиммикан деб уни қайта-қайта текшираман.

51. Ўртоқларим мени ўзлари билан дўстлашишни истамайди деб мен ҳақимда нотўғри хаёлларга боришади.

52. Сабабсиз ҳаммадан жаҳлим чиқиб юрадиган кунлар ҳам бўлиб туради.

53. Кишиларга идрокимнинг яхши эканлигини айта оламан.

54. Агар ўқитувчи мени назорат қилиб турмаса, дарсда бошқа нарсалар билан шуғулланиб ўтираман.

55. Ота-онам ўз хулқ-атвори билан менинг жиғимга тегмайди.

56. Мен ўртоқларим учун иш, ўйин, турли кўнгилочар тадбирларни осонгина уюштира оламан.

57. Мен хатти-ҳаракатим билан эмас, фикрлашда бошқалардан олдинроқда юраман.

58. Қаттиқ хурсандчиликдан сўнг қаттиқ хафа бўлган пайтларим бўлиб туради.

59. Баъзан мен инжиқ ва жаҳлдор бўлиб қоламан, кейин эса бундан афсусланиб юраман.

60. Мен тез хафа бўлиб қоладиган, ҳиссиётчан одамман.

61. Мени яхши қўришган жойда биринчи ўринда бўлишни яхши кўраман, биринчилик учун курашишни эса ёқтирмайман.

62. Мен на яқинларим, на ўртоқларим билан охиригача самимий ва очиқ бўлган эмасман.

63. Жаҳлим чикса, бақирим, қўлларимни силташим, баъзан уришим мумкин.

64. Мен кўпинча агар истасам актёр бўлардим деб ўйлайман.

65. Истикбол ҳақида қайғуришнинг ҳожати йўқ – ҳаммаси ўз-

ўзидан жойига тушади.

66. Мен ўқитувчим, ота-онам, дўстларимга нисбатан ҳамиша ҳақиқатгўйман.

67. Келажақда барча режаларим ва истакларим амалга ошади деб ўйлайман.

68. Баъзан ҳаёт менга боридан кўра оғирроқ туюлади.

69. Кўпинча кайфиятим хатти-ҳаракатимга таъсир қилади.

70. Камчиликларим ва заифликларим кўп деб ўйлайман.

71. Ўзимнинг кичкина хатоларимни ўйласам ҳам қийналиб кетаман.

72. Кўпинча турли ўйлар бошлаган ишимни охирига еказишга ҳалал беради.

73. Танқид ва эътирозларни тинглаб туриб, ишни ўзим истагандек қилишга ҳаракат қиламан.

74. Баъзан мендан хафа бўлган кишидан шундай жаҳлим чиқадики, уни уриб юборишдан ўзимни тия олмайман.

75. Мен умуман уялмайман ва тортинмайман.

76. Спорт ва жисмоний тарбия машғулотларига интилмайман.

77. Мен бошқалар ҳақида ёмон гаплар айтмайман.

78. Саргузаштларни яхши кўраман, хавф-хатарли таваккалчиликни маъкул кўраман.

79. Баъзан кайфиятим об-ҳавога ҳам боғлиқ бўлади.

80. Агар қандайдир яхшиликдан дарак берса, янгилик мен учун ёқимли ҳисобланади.

81. Ҳаёт менга жуда оғир туюлади.

82. Мен кўпинча ўқитувчи ва мактаб раҳбарлари қаршисида бўйин эгишга мойилликни ҳис қиламан.

83. Ишни яқунлашим билан, ниманидир хато қилиб қўймадиммикан деб ҳавотир олиб юраман.

84. Ўзгалар мени тушунмаётгандек туюлади.

85. Жаҳлим чиққанидан ортиқча гапириб қўйиб, пушаймон бўлиб юраман.

86. Ҳар қандай вазиятдан чиқиб кета оламан.

87. Ўқув машғулотида кўра кино кўриш ёки шунчаки дарс

қолдириш менга жуда ёқади.

88. Мен уйда сўрамай ҳеч нарсага тегмаганман.

89. Омадсизликка учрасам, ўз устимдан кула оламан.

90. Менда руҳий кўтаринкилик, ташаббускорлик, қизиқиш паллалари ёки, аксинча тушқунлик, барча нарсаларга нисбатан апатия ҳолати бўлиб туради.

91. Агар ниманидир уддалай олмасам, мен тушқунликка тушиб, умидсизланиб қоламан.

92. Ҳатто майда нарсаларга тааллуқли бўлса-да, қўпол шаклда айтилган эътироз ва танқид мени жуда хафа қилади.

93. Ғамгин кино кўриб ёки китоб ўқиб, баъзан йиғлаб олишим ҳам мумкин

94. Мен кўпинча ўз қарорларим ва хатти-ҳаракатларимнинг тўғрилигига шубҳаланиб юраман.

95. Мен ўзимни кераксиз ва бегонадек ҳис қилиб юраман.

96. Ноҳақликка дуч келганимда тутақаман ва унга қарши курашаман.

97. Менга эътибор марказида бўлиш, масалан, дўстларимга ғаройиб нарсаларни сўзлаб бериш ёқади.

98. Вактни ўтказишнинг энг яхши йўли ҳеч нарса қилмай, шунчаки дам олишдир.

99. Мен мактабга ёки бошқа бирор жойга ҳеч қачон кечикиб бормайман.

100. Бир жойда узоқ туришни ёқтирман.

101. Баъзан ўқитувчим ёки синфдошларим билан бўлган жанжал мени шу даражада хафа қиладики, оқибатда мактабга бормайман.

102. Мен бошқаларни бошқаришни билмайман.

103. Баъзан мен оғир ва хавфли касалга чалингандек бўламан.

104. Хавф-хатарли саргузаштларни ёқтирмайман.

105. Деярли ҳамиша ҳозиргина бажарган ишимни қайта текшириб чиқиш истаги туғилади.

106. Келажакда ёлғиз қолишдан қўрқаман.

107. Саломатлигим билан боғлиқ маслаҳатларни жон-жон деб

тинглайман.

108. Албатта, синфда бирор муаммо муҳокама қилинса, ўз фикримни айтаман.

109. Ҳеч қачон жамоадан ажралмаслик керак деб ҳисоблайман.

110. Жинс ва муҳаббат мавзуси мени мутлақо қизиқтирмайди.

111. Қизиқарли, ўзига жалб этадиган иш учун ҳар қандай қоидадан четлаб ўтиш мумкин деб ўйлайман.

112. Менга баъзан байрамлар ёқмайди.

113. Ҳаёт менга ҳатто дўстларим билан ҳам очикчасига гаплашиш лозим эмаслигини ўргатди.

114. Мен жуда оз ейман, баъзан узоқ вақтгача ҳеч нарса емайман.

115. Мен табиат гўзалликларидан завқланишни ёқтираман.

116. Уйдан бирор жойга бориш ва уйкуга ётиш олдидан мен ҳамиша газ, электр асбоблар ўчирилганлиги ва эшикни қулфланганини текшириб қўраман.

117. Менга фақат ўз мезонларим ва қизиқишларимга мос келадиган янгиликлар ёқади.

118. Омадсизлигимнинг сабабчиси бўлган кишини жазосиз қолдирмайман.

119. Агар бирор кишини ҳурмат қилмасам, буни сездирмасликни урдалай олмайман.

120. Яхшиси турли кўнгилочар машғулотлар билан шуғулланиб вақт ўтказган маъқул.

121. Менга барча ўқув предметлари ёқади.

122. Мен кўпинча ўйинда ўйинбоши бўламан.

123. Мен оғриқ ва жисмоний қийинчиликларни бирмунча осон ўтказаман.

124. Танқид қилишганида ва менга қарши эътироз билдиришганда ўзимни тутишга ҳаракат қиламан.

125. Мен ҳамма нарсадан шубҳаланавераман, барча нарса мени безовта қилади, айниқса, кўпинча саломатлигимни ўйлаб безовта бўламан.

126. Мен камдан-кам ташвишсиз ва қувноқ юраман.

127. Барча ишларим кўнгилдагидек бўлиши учун кўпинча турли ирим-сиримларга қатъий риоя қилишга ҳаракат қиламан.

128. Мен мактаб ва синф ҳаётида иштирок этишга ҳаракат қиламан.

129. Мен баъзан ўйламай қизиққонлик билан бирор ишни қилиб қўйиб, кейин ачиниб юраман.

130. Олдиндан барча ҳаражатларни ҳисоблашни ёқтирмайман, муддатида қайтариш қийин бўлишини билсам ҳам, осонгина қарз оламан.

131. Ўқув жараёни мени азоблайди, агар мажбур қилишмаса, умуман ўқимаган бўлар эдим.

132. Менда бошқалардан яширишга тўғри келадиган фикрлар ҳеч қачон бўлган эмас.

133. Мен кўпинча шунчалик яхши кайфиятда юраманки, “нима учун бунчалик қувноқсан?” деб сўрашади.

134. Баъзан кайфиятим шу даражада ёмон бўладики, ўлим ҳақида ўйлай бошлайман.

135. Озгина ёқимсиз нарсалар ҳам мени жуда хафа қилади.

136. Мен дарсларда тез чарчаб қолиб, паришонхотир бўлиб юраман.

137. Баъзан болаларнинг кўполлиги ва тарбиясизлиги мени ҳайрон қолдиради.

138. Ўқитувчилар мени тартибли ва тиришқоқ ўқувчи деб ҳисоблашади.

139. Кўпинча сершовқин “дўстлар давраси”да вақт ўтказгандан кўра, яккаликда фикрлаб ўтиришни маъкул кўраман.

140. Менга бўйсунишларини яхши кўраман.

141. Мен нисбатан анча яхши ўқишим мумкин эди-ю, лекин мактаб ва ўқитувчилар бунинг учун етарли шароит яратиб бермаяптилар.

142. Сабр ва зўриқишни талаб этадиган ишлар билан шуғулланишни ёқтирмайман.

143. Мен ҳеч қачон ҳеч кимга ёмонлик тилаган эмасман.

Жавоблар варақаси

Тип	Тасдиқ рақамлари													Σ
Г	1	12	23	34	45	56	67	78	89	100	111	122	133	
Ц	2	13	24	35	46	57	68	79	90	101	112	123	134	
Л	3	14	25	36	47	58	69	80	91	102	113	124	135	
А	4	15	26	37	48	59	70	81	92	103	114	125	136	
С	5	16	27	38	49	60	71	82	93	104	115	126	137	
Т!	6	17	28	39	50	61	72	83	94	105	116	127	138	
И	7	18	29	40	51	62	73	84	95	106	117	128	139	
Т	8	19	30	41	52	63	74	85	96	107	118	129	140	
Н	9	20	31	42	53	64	75	86	97	108	119	130	141	
Б	10	21	32	43	54	65	76	87	98	109	120	131	142	
К	11	22	33	44	55	66	77	88	99	110	121	132	143	

Хулқ-атвордаги оғиш тавсифини аниқлашга қаратилган ташхис ВАРАҚАСИ

Мақсад: мактаб психологи учун ўсмир ижтимоий ривожланиш даражаси кўрсаткичларини тадқиқ этиш бўйича ўқитувчи буюртмасини шакллантириш.

Зарур материал: ижтимоий ривожланиш бўйича ижтимоий адаптация даражалари кўрсаткичлари .

Кўрсатма: Мазкур сифат кўрсаткичларининг ифодаланиш даражасини 5 балли тизим асосида баҳоланг. Хусусан, 5 балл—ифодаланишнинг юқори даражаси, 3 балл—ифодаланишнинг ўртача, 1 балл —қуйи даражасини кўрсатади

1. Ижобий йўналишдаги ҳаётий режа ва касбий мақсаднинг мавжудлиги.

2. Ўқув фаолиятига нисбатан онглилик ва интизомлилик даражаси.

3. Фойдали билим, кўникма ва малакалар (спорт ва меҳнат билан боғлиқ, техник ва б.)нинг ривожланганлик даражаси, фойдали қизиқишлар салмоғи ва турли-туманлиги.

4. Катталар томонидан амалга оширилган педагогик таъсирга нисбатан адекват (мос) муносабат.

5. Жамоавийлик нуқтаи назаридан ўзлигини намоён қилиш, жамоанинг ҳаётий меъёрларини ҳурматлаш, жамоа қизиқишлари билан ҳисоблашиш лаёқати.

6. Синфдошлари, дўстлари ва атрофидагиларнинг хатти-ҳаракатларини ахлокий меъёрларга мувофиқ танқидий баҳолаш лаёқати.

7. Таҳлил асосида ўз-ўзини танқид.

8. Атрофидагиларга эътибор ва ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш, қайғудошлик ва эмпатияга лаёқатлилик.

9. Иродавий сифатлар. Салбий таъсирларга берилмаслик. Мустақил қарор қабул қилиш лаёқати ва уни бажаришда учрайдиган қийинчиликларни бартараф этиши.

10. Хулқ-атвор маданияти (ташқи кўринишдаги батартиблик, покизалик, нутқ маданияти, ҳушмуомалалик).

11. Ноижтимоий хулқ-атвор шакллари (сархуш қилувчи ичимлик истеъмол қилиш, чекиш, назоратдан ташқари ҳолатларга берилиш) ҳамда салбий одатларни рад этиш ва бардош билан енгиб чиқиш.

Натижаларни баҳолаш: ижтимоий ривожланиш даражасидаги фарқлар ўртача арифметик балл асосида ҳисобланади:

- 1-2,5 балл — ижтимоий қаровсиз болалар — III гуруҳ.
- 2,6-3,5 балл — педагогик қаровсиз болалар — II гуруҳ.
- 3,6-5 балл — хулқ-атвори яхши ўқувчилар — I гуруҳ.

3-ИЛОВА

ПСИХОЛОГИК ТАШХИС МЕТОДИКАЛАРИ

Ахлоқий жиҳатдан ўз-ўзини баҳолаш

Кўрсатма: Ўқитувчи ўқувчиларга қуйидаги сўзлар билан муурожаат этади: "Ҳозир мен Сизларга ўзингизнинг ахлоқингизни баҳолашингиз учун 10 та ҳолатни ўқиб бераман. Диққат билан тингланг. Уларга қай даражада қўшилишингизни ўйлаб кўринг (уларнинг Сизга боғлиқлик жойи борми?). Агар тўлиқ қўшилсангиз, ўз жавобингизни 4 баллга баҳоланг; агар қўшилмаслигингиздан кўра, қўшилишингиз кўпроқ бўлса – жавобингизни 3 балл билан баҳоланг; агар озроқ қўшилсангиз – 2 балл билан баҳоланг; агар бутунлай қўшилмасангиз – 1 балл билан баҳоланг. Савол рақамининг қаршисига ўқиб берилган ҳолатни неча балга баҳолаган бўлсангиз, шу балл рақамини қўйинг".

Масалан:

1. -3;
2. - 4 ва б.

Саволлар матни:

1. Мен кўпинча ўз тенгдошларим ва катталар билан самимий муносабатда бўламан

2. Қийин вазиятга тушиб қолган синфдошимга ёрдам бериш мен учун жуда муҳим

3. Ўйлашимча, айрим катталар билан мулоқотда бўлганда ўзини тутиб ўтириш шарт эмас

4. Эҳтимол, менга ўзимга ёқмаган инсонга қўполлик қилишдан кўра кўрқинчли нарса йўқдир

5. Менимча, хушмуомалалик кишилар орасида ўзимни яхши ҳис этишда менга ёрдам беради

6. Ўйлайманки, менга ноҳақ танбех бергани қарғаш(сўқиш)им мумкин

7. Агар синфда кимнидир ҳазил-мазаҳ қилишса, унда мен ҳам бунга қўшиламан

8. Кишиларга қувонч келтириш менга ёқади

9. Кишиларнинг ноўрин хатти-ҳаракатларини кечира билиш керак деб ўйлайман

10. Ўйлашимча, ўзгалар хатто ноҳақ бўлишса-да, уларни тушуниш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Натижаларни математик қайта ишлаш:

3, 4, 6, 7 рақамдаги саволлар (салбий саволлар) қуйидагича қайта ишланади:

- 4 балли баҳога 1та бирлик ёзилади,
- 3 балли баҳога – 2та бирлик,
- 2 балли баҳога - 3 та бирлик,
- 1 балли баҳога - 4 та бирлик ёзилади.

Қолган жавобларга бирликлар миқдори баллга кўра қўйилади. Масалан, 4 балл – бу 4 бирлик, 3 балл - 3 бирлик билан белгиланади.

Натижалар интерпретацияси:

34 дан 40 та бирликкача – ахлоқий жиҳатдан ўз-ўзини баҳолашнинг юқори даражаси.

24 дан 33 та бирликка қадар – ахлоқий жиҳатдан ўз-ўзини баҳолашнинг ўрта даражаси.

16 дан 23 та бирликкача - ахлоқий жиҳатдан ўз-ўзини баҳолашнинг ўртадан паст даражаси ҳисобланади.

10 дан 15 бирликкача – ахлоқий жиҳатдан ўз-ўзини баҳолашнинг қуйи даражаси ҳисобланади.

Хулқ-атвор этикаси ташхиси

Кўрсатма:

Ўқитувчи ўқувчиларга қуйидагича маълумот беради: “Ҳозир мен Сизга бешта тугалланмаган жумлани ўқиб бераман. Сиз ўйлаб кўриб, уларни тўлдирасиз. Жумланинг биринчи қисмини қайта ёзманг”.

Матн:

1. Болалардан бирортаси бемаъни вазиятга тушиб қолганини кўрганимда, мен ...
2. Агар кимдир устимдан кулса, унда мен ...
3. Агар мени ўйинга қўшишларини истасам, унда мен ...
4. Агар менинг гапимни кетма-кет бўлаверишса, унда мен...
5. Агар синфдошларим билан мулоқот қилишни истамасам, унда мен...

Интерпретация:

Биринчи савол: агар бефарқлик, зўравонлик ва енгилтаклик билан муносабатда бўлиш кабилар кузатилса, салбий натижа олинган ҳисобланади. Ижобий натижа эса: ёрдамга шошилиш ва ҳамдардлик кабиларда кузатилади.

Иккинчи савол: агар зўрлик, руҳан босим ўтказишнинг турли усуллари кузатилса салбий натижа олинган ҳисобланади. Ижобий натижада эса: жавоб қайтармаслик, вазиятдан қочиш, ўз ҳиссиётлари ҳақида сўзлаш, қўполлик ва зўрлаб ўз сўзини ўтказишдан холи фикрларни билдириш кузатилади.

Учинчи савол: агар босим ўтказиш, зўрлик қилиш, айёрлик кузатилса, салбий натижа олинган ҳисобланади. Ижобий натижада эса: ўзаро тенг муносабат асносида хулқ-атвори орқали ўзини эътироф эттириш, очиқ позиция орқали кузатилади.

Тўртинчи савол: Салбий натижа: ҳар қандай жавоб реакциясининг бўлмаслиги, зўравонлик, тутақиш, кўрқитиш, босим ўтказиш орқали кузатилади. Ижобий натижа: зўрлик ва қўполлик қилмай, ўз истаги, фикри, ҳиссиёти ва муносабатини билдириш кабилар орқали аниқланади.

Бешинчи савол: Салбий натижа: кўполлик, зўравонлик, муомалани билмаслик орқали кузатилади. Ижобий натижа: назокат, андиша, юмшоқлик билан тушунарли қилиб ўз истагини билдириш орқали аниқланади.

Ҳаётий қадриятларга муносабатни аниқлаш

Кўрсатма:

“Тасаввур қилингки, Сизда сеҳрли таёкча ва 10 та тилақларингиз ёзилган рўйхат мавжуд бўлиб, улардан 5 тасинигина танлашингиз мумкин”. Тилақлар рўйхатини ўқитувчи олдиндан доскага ёзиб қўяди.

Тилақлар рўйхати:

1. Барча яхши кўрадиган инсон бўлиш
2. Кўп пулга эга бўлиш
3. Энг замонавий компьютерга эга бўлиш
4. Садоқатли дўстга эга бўлиш
5. Менга ота-онамнинг саломатлиги ўта муҳим, улар саломат бўлишсин
6. Кўпчиликка ҳукмронлик қилиш имконига эга бўлиш
7. Кўплаб хизматкорларга эга бўлиб, уларга буйруқлар бериш.
8. Самимий қалб соҳиби бўлиш
9. Инсонларни тушуниш ва уларга қўмаклашиш
10. Ҳеч кимда бўлмаган ва бўлиши мумкин бўлмаган нарсага эга бўлиш.

Интерпретация:

- Салбий жавоб рақамлари: № 2, 3, 6, 7, 10.

Қолганлари юкори даражадаги 5 та ижобий жавоблар.

4 балл – юкори даража; 2, 3 балл – ўрта даража; 1 балл – қуйи даража.

Ахлоқий мотивацияларни аниқлаш

Кўрсатма:

“Мен Сизга 4 та саволга 3тадан жавоб вариантларини ўқиб бераман. Сиз улардан бирини танлайсиз”

Саволлар:

1. Агар кимдир йиғласа, унда мен...

а) унга ёрдам бериш учун шошиламан.

в) нима учун йиғлаётгани ҳақида ўйлайман.

г) эътибор бермайман.

2. Мен дўстим билан бадминтон ўйнаётган эдим, олдимизга 6-7 ёшли бола келиб, ўзида бадминтон йўқлигини айтди.

а) мен унга бизга халал бермагин деб айтдим

в) унга ёрдам бера олмаслигимни билдирдим

г) ота-онасига бадминтон сотиб олиб беринг деб айтиши кераклигини уқтирдим,

д) дўсти билан келиб бизнинг бадминтонда ўйнашни таклиф қилдим.

3. Агар бирор киши командада ўйинда ютқазиб қўйгани учун хафа бўлса

а) унга эътибор бермайман.

в) мижғов одамсан деб айтаман.

г) унга бунинг кўрқинчли жойи йўқлигини тушунтираман.

д) бу ўйинни яхшироқ ўрганиши кераклигини айтаман.

4. Синфдошингиз Сиздан хафа бўлди:

а) унинг ҳиссиётлари ва ўзимнинг бу вазиятда нима қила олишим мумкинлиги ҳақида ўйлайман.

в) мен ҳам ундан хафа бўламан.

г) унга ноҳақ эканлигини исботлаб бераман.

Натижаларни қайта ишлаш:

Ижобий жавоблар калити: 1-а, 2-д, 3-д, 4-а.

Сўнгра ўқитувчи ўқувчилар қайтарган ижобий жавоблар йиғиндисини ҳисоблайди.

4 балл – юқори даража 2, 3 балл – ўрта даража, 1 балл – қуйи даража

Фойдаланилган адабиётлар

1. Г.Айзенк, Г.Вильсон Как изменить личность. М.:Котито-Центр, 2000. - 283 с.
2. Асадов Ю. М., Мусурманов Р. Ўсмирлар девиант хатти-ҳаракатининг ижтимоий-психологик хусусиятлари (диагностика, профилактика, коррекция) Ўқув-методик қўлланма. –Т.: ЎзПФТИ, 2011. – 191 б.
3. Бадмаев С.А. Психологическая коррекция отклоняющегося поведения школьников. - 4-е изд. - М.: Изд-во Магистр, 1999. - 96 с.
4. Беличева С.А. Основы превентивной психологии. - М.: РИЦК Социальное здоровье России, 1994. - 221 с.
5. Бекмуродов М.Б. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. Т.: Фан, 1998.;
6. Бекмуродов М.Б. Мовороуннаҳрда жамоатчилик фикри тарихидан. Т.: Фан, 1994.
7. Божович, Л. И. Психическое развитие школьника и его воспитание. М.: Знание, 1979. - 96 с..
8. Бреслав Г.Э. Психологическая коррекция детской и подростковой агрессивности. – СПб.: Речь, 2004. – 144 с.
9. Бэрн Р., Ричардсон Д. Агрессия. – СПб.: Издательство «Питер», 2000. – 352 с.
10. Гиппенрейтер Ю.Б. Общаться с ребенком. Как? - М.:ЧеРо, 1998- 240 с.
11. Гиппенрейтер Ю.Б. Введение в общую психологию. Курс лекций. — Изд. 2-е, стереотипное. — М.: ЧеРо, 1996. — С. 276-277. — 336 с.
12. Джураев Р.Х., Кучукбаев Ф.М., Э.М.Азимова , О.Ф.Сотиболдиев. Таълим-тарбия жараёнида дарсга салбий муносабатдаги болаларга нисбатан конструктив таъсир этиш. Мактаб педагог ва психологлари учун илмий методик қўлланма. Т:- 2012 – 41-42 бет.

13. Змановская Е.В. Девиантология: (Психология отклоняющегося поведения). – М.:Издательский центр «Академия», 2004. - 288с.

14. Н. М. Иовчук, А. А. Северный, Н. Б. Морозова.. Детская социальная психиатрия для непсихиатров. Питер 2006 - 415 с.

15. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. - Т.: Шарк, 1998.;

16. Кашенко В.П.. Педагогическая коррекция: Исправление недостатков характера у детей и подростков М., Академия, 2000–304 с.

17. Карл Леонгард. Акцентуированные личности = Akzentuierte Persönlichkeiten. — Берлин, 1976. — 328 с.

18. Личко А. Е., Иванов М. Я. Патохарактерологический диагностический опросник для подростков и опыт его практического применения. — М.: «Фолиум», 1995, 64 с., 2-е изд.

19. Личко А. Е. Подростковая психиатрия (Руководство для врачей). — Л.: Медицина, 1979. — 336 с.

20. Личко А. Е. Психопатии и акцентуации характера у подростков. — Санкт-Петербург: Речь, 2010. — 256 с.

21. Максимова Н.Ю. О склонности подростков к аддиктивному поведению/Психологический журнал – т.17.- 1996 - № 3- с.149-153

22. Молодцова Т.Д Психология, диагностика и коррекция детских трудностей. РГУ 2005 254 стр.

23. Мусурманова А., Жамолидинова О. Активизация воспитательной работы среди детей группы социально-правового риска – эффективный путь их интеграции в общество. Материалы международной научно-практической конференции “Образование через всю жизнь. Непрерывное образование в интересах устойчивого развития”, Санк-Петербург: Альтер Эго, 2008 - С. 338-340

24. Нишанова З.Т. Курбонова З.Б ва бошқалар. Психодиагностика ва экспериментал психология – Т.;Тафаккур бўстони, 2011. – 310 б.

25. Отклоняющееся поведение молодежи: краткий словарь-справ. / Б. А. Ермолаев, Г. Г. Жарков и др.. — Владимир : Изд-во ВГПУ, 1994. — 144 с., с. 87.

26. Подмазин С.И. Как помочь подростку с трудным характером. Перспектива, 1996

27. Подмазин С.И. Личностно-ориентированное образование: Социально-философское исследование. – Запорожье: Просвіта, 2000. – 250 с.

28. Раттерр М. Помощь трудным детям. Перв. с англ. Общ ред. А.П.Спиваковой.- М: Прогресс, 1987 – 424 с.

29. Рашидов Ҳ.Ф. Мусурманов Р. Алимходжаева С. Дарс интизомига нисбатан конструктив таъсир этиш амалиёти. Тошкент – 2013.

30. Рашидов Ҳ. Социально-нормативная регуляция в системе воспитания подрастающего поколения: Материалы международной научно-практической конференции “Образование через всю жизнь. Непрерывное образование в интересах устойчивого развития”, 1-2 июня, 2014. С. 256-258

31. Рашидов Ҳ., Алимходжаева С. Дарс интизомига салбий муносабатдаги болаларнинг ота-оналари билан ишлаш усуллари ва шакллари // Maktab va hayot. – Тошкент, 2014. -№ 5. - 2-5 бетлар.

32. Рашидов Ҳ.Ф, Дехкамбаева З.А., Алимходжаева С.Н Девиант хулқ-атворли ҳамда интизомли ўқувчиларнинг айрим психологик хусусиятлари // Maktab va hayot. – Тошкент, 2014. -№ 7-8. -9-11 бетлар.

33. Семенюк Л.М. Психологические особенности агрессивного поведения подростков и условия его коррекции: Учебное пособие. – М.: Московский психолого-социальный институт: Флинта, 1998. – 96 с.

34. Собчик Л.Н. Диагностика индивидуально-типологических свойств и межличностных отношений. Практическое руководство. - СПб.: Речь, 2002. – 96 с.

35. Степанов В.Г. Психология трудных школьников: Учебное пособие для учителей и родителей. – М.: Академия, 1997. – 320 с.

36. Тўлаганова Г.Қ. Тарбияси қийин ўсмирлар: Психолог мутахассислар, амалий психологлар учун. – Т.: Университет, 2005. – 128 б.
37. Хакимова И.М. Девиант хулқ-атвор психологияси. Ўқув қўлланма – Т.Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академия, 2013 – 155 б.
38. Хасанов Т.Х. Теоретические и методические основы воспитания дисциплинированности и культуры поведения младших школьников (На материалах шк. Узбекистана) /; Андиж. гос. пед. ин-т Ташкент Фан 1988 – 118 с/
39. Шилова М.А. Профилактика алкогольной и наркотической зависимости у подростков в школе. – М.: Айрис-пресс, 2004. – 96 с..
40. Шнейдер Л.Б. Девиантное поведение детей и подростков. – М.: Академический Проект; Трикта, 2005. – 336 с.
41. И.Фурманов Психология детей с нарушением поведения. – Владос-пресс КДУ:2013 – 352 с.
42. Ядгарова Г.Т., Авлаев О.У. “Тарбияси қийин гуруҳга мансуб болалар билан ишлаш”. Т.: ЎМКТТКМО ва ЎҚТи, 2007 – 70 б.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1. ЎҚУВЧИЛАРДА ИНТИЗОМСИЗ ХУЛҚНИ	
КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ САБАБЛАР.....	5
2. ЎҚУВЧИ ИНТИЗОМСИЗЛИГИГА ТАЪСИР	
ЭТАДИГАН АСОСИЙ ОМИЛЛАР.....	10
3.ИНТИЗОМСИЗ ЎСМИРЛАРНИ ТАШХИСЛАШ УСУЛЛАРИ.....	21
4. ЎСМИРЛАРДА АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНУВЧАН	
ХАРАКТЕР ТИПЛАРИ.....	37
Гипертим тип.....	39
Циклоид тип.....	40
Лабил (ўзгарувчан) тип.....	41
Астено-невротик(жисмоний ва руҳий заиф-асабнок) тип.....	42
Сенситив (ҳиссиётчан) тип.....	44
Ташвишли-майдакаш (педант) тип.....	46
Интроверт тип.....	48
Таъсирчан (қўзғалувчан) тип.....	50
Намойишкор тип.....	53
Бекарор тип.....	56
ХУЛОСАЛАР.....	59
ИЛОВААР	62
Фойдаланилган адабиётлар.....	78

ҚАЙДЛАР УЧУН

[illegible]

Зулфия Дехкамбаева

ИНТИЗОМСИЗ ЎСМИРЛАР ДИАГНОСТИКАСИ

(УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА)

Муҳаррир	-	Х.Худайбердиев
Мусахҳих:	-	А.Зокиров
Компьютерда териш ва дизайн:	-	М.Холиқов

Босишга рухсат этилди 10.12.2015.
Бичими 60x84¹/₁₆. Босма табағи 5,25.
Буюртма №09/12. Адади 120 нусха.

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика
фанлари илмий тадқиқот институти
босмахонасида чоп этилди.